БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 21
9 МАРТ
СЕШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИЙИН.

Коммунистик партия каттиқ ишонч билдириб айтадики, шонли колхозчи деҳқонларимиз, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг ходимлари социалистик қишлоқ хўжалигининг барча резервларини қисқа вақт ичида ишга солиш, қолоқ район ва колхозларни илғорлар даражасига кўтариш мақсадида, ҳеч мустасносиз барча колхозларни яшнатиш, барча колхозчиларни ҳарнарсага ёлчиган бадавлат кишиларга айлантириш, мамлакатимизда шаҳарларнинг ортиб бораётган аҳолиси учун барча озиқ-овқат маҳсулотларини, енгил саноат учун керакли хомаш'ёнинг ҳамма хилларини мўл-кўл қилишни та'минлайдиган даражада ҳосилнинг ва чорвачилик маҳсулдорлигининг умумий кўтарилишига эришиш мақсадида ўзларининг бутун кучларини сафарбар қилади лар.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг барча сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатидан).

ЭНГ ЗАРУР, УМУМХАЛҚ ВАЗИФАСИ

Кеча «Правда»да Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми тўғрисидаги Информацион билдириш ва «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади юзасидан Пленумда қабул қилинган қарор э'лон қилинди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори халқимизнинг коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган кураши тарихида катта ўрин олади.

Партия ва ҳукумат кейинги ярим йил ичида қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш тадбирларининг тўлиқ системасини ишлаб чиқдилар ва муваффақият блан амалга оширмоқдалар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорида ҳамда ҳукумат ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги қарорларида жамоат чорвачилигини юксалтиришнинг, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтиришнинг, машина-трактор станциялари ишини яхшилаш ва колхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришда уларнинг роли оширишнинг, партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари томонидан қишлоқ хўжалигига қилинаётган раҳбарликни кучайтиришнинг кенгайтирилган программаси чизиб берилди.

Эндиликда партия колхозларни, МТС-ларни ва совхозларни бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг асоси бўлган дон хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар, конкрет программаси блан қуроллантирди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ҳозирги замон шароитида энг зарур бўлган умумхалқ вазифасини социалистик индустриянинг қудратли ўсиши негизида яқин икки-уч йил ичида мамлакатимиз аҳолисининг халқ иste'мол қиладиган молларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноатини хомаш'ё блан та'минлаш вазифасини ўртага қўйди.

Партия ва совет органлари Пленум қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқларини зўр куч блан юксалтириш вазифасини ҳал этишга имкон берадиган зарур шароитларни вужудга келтириш соҳасида ўтган вақт ичида анчагина ишларни қилдилар. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари кузги қишлоқ хўжалик ишларини илгариги йиллардагига қараганда анча яхшироқ ўтказдилар.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини ривожлантиришда колхозларнинг ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан кўрилган чоралар деҳқонларнинг даромадларини анча кўпайтиришга сабабчи бўлди. Колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари ўтган йилда 13 миллиард сўмдан зиёдроқ миқдорда кўпайди.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорини амалга ошириш учун курашда партия кадрларга ва дастлаб, қишлоқ хўжалигида ҳал қилучи куч бўлган машина-трактор станцияларининг кадрларига алоҳида э'тибор берди. КПСС Марказий Комитети Пленумидан кейин тракторчиларда, трактор бригадаларининг бошлиқларидан, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг машинистларидан ва бошқа ходимлардан 1 миллион 250 мингга яқин киши МТСларнинг штатларига доимий ишчилар қилиб ўтказилди. Кейинги ойларда машина трактор станцияларига колхозларда хизмат қилмоқ учун 100 мингдан кўпроқ агроном ва зоотехник юборилди. Саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан 23 минг инженер ва техник МТСларга келиб ишлай бошлади.

МТСларнинг материал-ишлабчиқариш базасини кучайтириш программаси муваффақият блан турмушга тадбиқ этилмоқда.

Улуғ Ленин мамлакатимиз юз минг тракторга эга бўладиган куннинг келишини орзу қилган эди. Эндиликда мамлакатимиз бир миллиондан кўпроқ тракторга эга бўлди. Бу социалистик индустриянинг ва, дастлаб, оғир саноатнинг улуғ кучини яққол кўрсатди. Оғир саноат тинч экономикамизни яшнатишнинг негизи, мамлакатимиз мудофаа қувватининг негизи бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қилинган ишларни қайд қилиб ўтиш блан бирга, партия ташкилотларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг сентябрь Пленуми қарорини ҳамда партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги масалалари юзасидан чиқарган кейинги қарорларини амалга ошириш соҳасидаги бажараётган ишларида жиддий камчиликлар рўй бераётганлигини кўрсатиб ўтди. Бирқанча областьларда МТСларнинг штатлари ишчилар блан шу вақтгача тўла равишда та'минлангани йўқ, мутахассис кадрлар нотўғри тақсимланган,—бунинг натижасида кўпгина қолоқ иқтисодий жиҳатдан заиф колхозлар мутахассисларга эга эмас. Камдан-кам партия ташкилотларигина колхозларни колхозчилар оммасига бошчилик қилишга, колхозчиларни жамоат хўжалигини юксалтириш йўлидан олиб боришга қодир бўлган тажрибали, ишбилярман раислар блан мустаҳкамлашга киришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шу нарсани кўрсатиб ўтдики, Машинасозлик министрлигининг раҳбарлари ва бирқанча заводларнинг директорлари қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш соҳасида ўзларига юклатилган вазифаларни қониқарсиз бажармоқдалар ва бу масалада ишга давлат нуқтаий назаридан қарамаётирлар.

Шу дамгача партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги эгасизликка хотима берганлари йўқ.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан бери ўтган олти ой унчалик катта вақт эмас. Лекин шу қисқа вақт ичида ҳам совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида жиддий ишларни қилди. Энди вазифа шуки, эришилган натижаларга таяниб, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кўпайтириш соҳасида, аввало ғалла хўжалигини ривожлантиришда олға томон жуда катта қадам қўйишимиз керак . Партия бутун совет халқини шундай қилишга чақирмоқда.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаг»ги қарорида социалистик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим участкаси бўлган дон хўжалигида ғалабага эришиш вазифалари ва унинг йўллари кўрсатиб берилган.

«Мамлакатда халқ исте'мол қиладиган буюмларни ишлаб чиқаришни кескин суратда юксалтиришдан иборат бўлган ҳамда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган умумхалқ вазифасини бажариш учун,—дейилади Пленум қарорида,—бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг негизи бўлган дон хўжалигини ривожлантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир». Қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тормоқларини янада юксалтириш, аҳолининг ва бутун халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш дон хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятларга боғлиқдир.

Аммо, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида айтиб ўтилганидек, дон хўжалигининг ҳозирги вақтдаги мавжуд даражаси ғалланинг ялпи маҳсулоти жиҳатдан ҳам, ғалланинг товар маҳсулоти жиҳатдан ҳам халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қопламаётир. Давлат ихтиёрига тушаётган ғалланинг миқдори блан давлат томонидан сарф қилинаётган ғалланинг кўпайиб бораётганлиги бир-бирига мос келмай қолди.

Экин майдонларини планлаштиришда, айниқса дон экинларини ва ўтлар экишни планлаштиришда СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги томонидан йўл қўйилган кўпол хатолар дон хўжалигини ривожлантириш даражасининг аҳоли ва халқ хўжалигининг ғаллага бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бораётганлигига мос келмай қолганлигининг асосий сабабларидан биридир. Ўт далали деҳқончилик системасини мамлакат турли зоналарининг хусусиятларини ҳисобга олмай, бир қолипда татбиқ қилиш орқасида Украинада, Шимолий Кавказ, Волга бўйи ҳамда Марказий Қоратупроқ доирасидаги районларда дон экинларини экиш камайиб кетди.

Тайёрлаш ва сотиб олиш йўли блан яқин йиллар ичида давлатнинг ихтиёрида 1953 йилда бўлганига қараганда 35—40 процент кўпроқ дон бўлиши учун дон етиштиришни кескин суратда кўпайтириш соҳасидаги қишлоқ хўжалиги олдида, бутун мамлакат олдида биринчи даражали вазифалардан бири бўлиб қолди.

Бу вазифани ҳал қилиш йўллари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида кўрсатиб берилди. Деҳқончиликда асосий вазифа бўлган дон экинларининг ҳосилини ошириш блан бир қаторда дон етиштиришни кўпайтиришда янги ерларни ўзлаштириш жуда катта аҳамиятга эгадир. Қозоғистон, Сибирь, Урал, Волгабўйи районларида ва қисман Шимолий Кавказ районларида бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш йўли блан дон экинлари экиладиган ерларни кенгайтириш қисқа вақт ичида ғалла етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим ва мутлақо реал манба'идир.

1954—1955 йилларда бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон экинлари экиладиган майдонни камида 13 миллион гектар миқдорида кенгайтиришни ва шу ерлардан 1955 йилда 1.100—1.200 миллион пуд ғалла олишни, шу жумладан, 800—900 миллион пуд товар ғалла олишни партия энг муҳим давлат вазифаси қилиб қўйди.

Давлат ерларни ўзлаштириш учун биринчи даражадаги техникани бермоқда. Энди ишни ҳал қилучи асосий куч одамлар, кадрлардир. Кенг тушунтириш ишлари асосида тажрибали раҳбарларни ва мутахассисларни, малакали ишчиларни танлаб олиб, бу йил янги ерларни ўзлаштирадиган совхозларга ва МТС-ларга юбориш партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчидир. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми комсомол ташкилотларининг комсомоллар ва ёшлардан 100 минг механизаторни қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга ихтиёрий тартибда юбориш тўғрисидаги ташаббусини ма'қуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалигини планлаштиришдаги ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришдаги катта-катта камчиликларни очиб ташлади. СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги қишлоқ хўжалигини планлаштиришда нотўғри йўл тутдилар. Бу нотўғри йўл Украина ССР, Молдавия ССРнинг жанубидаги, Шимолий Кавказдаги қурғоқчил ва ярим қурғоқчил районларда, мамлакатнинг шарқи жанубий районларида жуда кам ҳосил берадиган кўпйиллик ўт экиладиган майдонларни асоссиз суратда кенгайтиришдан, шунингдек дон экинлари майдонларининг ва айниқса маккажўхори, дуккакли дон экинлари, крупа бўладиган экинлар ва ем бўладиган дон экинлари майдонларининг жиддий суратда камайтириб юборилишидан иборат бўлди. Мазкур хатолар қат'ият блан йўқотилсин ва экин майдонларининг структурасига тузатишлар киритилсин, шутариқа жанубдаги ва Шарқи-Жанубдаги районларда 1954 йилдан бошлаб камҳосилли қўййиллик ўт майдонларини камайтириш ва бузиб юбориш ҳисобига дон экинлари ва айниқса крупа бўладиган экинлар анча кўп экилсин.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида, дон етиштиришни кўпайтириш тажрибалари блан бир қаторда техника экинлари етиштиришни кўпайтириш, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш чоралари ҳам ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган улуғ вазифаларни амалга оширишда совхозларнинг катта роли бор. Улар намунали ва юксак рентабельли хўжаликлар бўлиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Броқ, кўпгина совхозлар ўзларининг ерларидан ёмон фойдаланмоқдалар, давлатга донни, гўштни, сутни, жунни ва бошқа маҳсулотларни кам бермоқдалар. Кўпгина совхозларнинг кейинда қолаётганлиги ҳамда совхоз ишлабчиқаришининг ва айниқса дон хўжалигининг ночор аҳволга тушиб қолганлиги СССР Совхозлар министрлиги томонидан ёмон раҳбарлик қилинаётганлигининг, илғорлар тажрибасини жорий қилиш ишига бепарволик блан қаралаётганлигининг оқибатидир. СССР Совхозлар министрлиги совхозларнинг ерларидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйди. Министрлик совхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришни ялпаштираётганда дон ва техника экинлари, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва чорвачиликни анча тезроқ ривожлантириш учун совхозлардаги жуда катта ер массивларидан фойдаланишни кўзда тутмади. СССР Совхозлар министрлигининг энг жиддий хатоси шундаки, у, совхозларда дон экинлари экиладиган майдонларнинг салмоғини анча камайтиришга йўл қўйди. Бу эса, давлатнинг манфаатларига бутунлай зиддир.

Партия совхозлар ишини яхшилашнинг кенгайтиридган программасини белгилаб берди. Давлатга топшириладиган донинг миқдорини яқин икки-уч йил ичида камида 500 миллион пудга етказиш, шунингдек гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топширишни кескин суратда кўпайтириш вазифаси совхозлар олдига қўйилди. Совхозлардаги ходимларнинг бутун кучлари мана шу вазифани бажаришга қаратилиши лозим.

Партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларнинг мураккаблиги ва ҳаётий муҳимлиги партия ва совет органларининг қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма участкаларига ниҳоят даражада моҳирлик блан жуда яқиндан раҳбарлик қилишларини талаб этади.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги зарарли, канцелярячилик-бюрократлик методига хотима берилиши лозим. Қишлоқ партия райкомларини қайта қуришни энг қисқа муддат ичида тугаллаш ҳамда МТС зоналари бўйича райком секретарьлари ва райкомдаги бошқа ходимларнинг ишларини шундай ташкил қилиш керакки, МТСларга ва колхозларга раҳбарлик қилишдаги эгасизлик ва мас'улиятсизлик расмий равишдагина эмас, балки ҳақиқатан ҳам тугатилсин. Қишлоқдаги сиёсий ишни қат'иян кучайтириш лозим. Партия ва совет органларининг ташкилотчилик ишлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлашга қараталиши лозим. Колхоз тузуми—илғор ижтимоий тузумдир. Колхозлар қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини юксалтириш учун чексиз имкониятларга эгадирлар. Ҳеч бир мустасносиз барча колхозларни илғорлар даражасига етказиш зарур. Колхозларда меҳнат интизомини қат'иян мустаҳкамлаш чораларини кўриш, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишларида колхоз меҳнатининг унумини тинмай оширишга ёрдам берадиган прогрессив иш нормаларини қунт блан жорий қилиш, колхозларга бириктириб қўйилган ерлардан рационал равишда фойдаланиб, ер майдонининг ҳарбир гектаридан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти олишга эришиш керак. Партия ва совет активларидан, шунингдек қишлоқ хўжалити мутахассисларидан энг яхши ходимларни колхозларга раис қилиб юбориб, колхозларни тажрибали кадрлар блан мустаҳкамлаш керак.

Сентябрь Пленумининг ва КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумининг қарорлари бутун қишлоқ хўжалигини тез сур'атлар блан янада ривожлантиришнинг жанговар программасидир. Партия ташкилотлари учун партия томонидан қабул қилинган қарорларни тушунтириш, қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларини шу қарорларни муваффақият блан амалга оширишга сафарбар қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

«КПСС Марказий Комитетининг Пленуми,—дейилади қарорда,—қишлоқдаги барча коммунистларни ва комсомолларни,барча колхозчиларни ҳамда МТСлар ва совхозларнинг барча ходимларини дон хўжалигини кучли равишда юксалтириш учун, ҳамма қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, молларнинг сонини янада кўпайтириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чақиради».

Партиянинг бу қизғин чақириғи ҳарбир совет кишисининг қалбидан чуқур жой олади. Совет халқи Коммунистик партия бошчилигида социалистик қишлоқ хўжалигининг ишлабчиқариш кучларини зўр бериб ривожлантириш программасини амалга оширади.

(«ПРАВДА»нинг 7 мартдаги бошмақоласи)

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорини бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар

☆ ☆ ☆

Мирзачўл комсомол-ёшларининг сўзи

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлган Пленуми «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» жуда муҳим қарор қабул қилди. Бу қарор Мирзачўл комсомоллари ва ёшларининг янги ерларни ўзлаштиришдаги ғайрат ва ташаббусларини янада ошириб юборди.

Коммунистик партиямиз бизни ҳарқандай қийинчиликдан қўрқмайдиган қилиб тарбиялади. Биз олдимизда турган улуғ мақсадни очиқ кўрганимиз учун ҳам Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун бу ерларга кўчиб келган эдик. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик ёрдами, колхозчи ёшларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли кейинги йилларда Мирзачўл таниб бўлмас даражада ўзгарди, унда кўпгина район, совхоз, ўнлаб чиройлик колхоз қишлоқлари, мевали боғлар, токзорлар вужудга келди. Андижонли ёшларнинг чақириғи блан республикамизнинг Самарқанд, Қашқадар'ё ва бошқа областьларидан келган минглаб йигит ва қизлар бўз ва қўриқ ерларни ишга солдилар, ўзлаштирдилар.

Биз ёшлар бўз ерларни ўзлаштиришга киришиб, анчагина қийинчиликларни дадиллик блан енгдик ва чўл жойларни унумдор пахтакор ерларга айлантирдик. Районда қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига йилдан-йил пахта майдони кенгаймоқда. Бу йил районимиз колхозларида 1500 гектар қўриқ ерларни ўзлаштирамиз. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда комсомол-ёшларимиз катта роль ўйнайдилар. Ўтган йили комсомол ва ёшлардан ташкил қилинган 15 комсомол-ёшлар бригадаси, 134 пахтачилик звеноларининг ҳаммаси пахта тайёрлаш планини ошириб бажардилар.

Биз Москва шаҳри ва областидан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун кетаётган йигит-қизларнинг Мурожаатига жавобан колхозларда 25 та комсомол-ёшлар бригадаси ва 200га яқин звеноларни тузамиз. Ҳозир районимизнинг пахтакор ёшлари кўкламга тайёргарлик ишларини кун сайин қизитмоқдалар.

Ўтган йили Ворошилов номли колхозга Зомин, Жиззах ва бошқа ерлардан кўплаб ёшлар келиб, 100 гектар баҳорикор бўз ерларни ишга солдилар, бу йил яна колхоз 200 гектар ерга сув чиқариб чигит экади. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ А. Файзуллаев партия ташкилотининг бошчилигида бу ерларда 200 га яқин ёшларнинг фидокорона ишлашини та'минлаб, ариқ-зовур қазишни уюшқоқлик блан олиб бораётир. Колхоз ўтган йил 800 гектар ерга чигит экган бўлса ,бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини 1150 гектарга кенгайтиради. Колхозда янги ўзлаштирилган ерлардан мўл ҳосил олинаётир. Фарғона водисидан келган ўртоқ Зеби Абдуллаева бошлиқ ёшлар звеноси ўтган йили 12 гектар янги ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олган бўлса, бу йил шу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашаётир.

Кейинги йилларда Шверник номли колхозда асрлар бўйи ўзлаштирилмай ётган юзлаб гектар шўр ерлар ишга солинди. Янги ерларни ишга солишда Андижон областидан кўчиб келган комсомол ёшларимизнинг роли катта бўлди. Ўтган йил кузда колхозда бирнеча юз гектар янги ер ўзлаштирилди, яна 100 гектарга яқин ер ишга солинади. Шундан 50 гектар ер ёшларимиз кучи блан очилади. Бу ишда Ҳурнисо Жўлдиобева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг ҳиссаси аниқроқ каттадир. Бригада ўтган йил гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштирган бўлса, бу йил ана шу янги ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун астойдил қурашмоқда. Бўз ерларни ўзлаштиришда Куйбишев номли, Василевский номли колхоз комсомоллари ҳам яхши ташаббус кўрсатмоқдалар.

Василевский номли колхозда 109 комсомол а'зосининг ҳаммаси ҳам колхоз ишлабчиқаришида актив қатнашиб келмоқда. Комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ М. Абдуллаев москвали ёшлар чақириғига қўшилиб, комсомоллар кучи блан 50 гектар янги ерни ўзлаштириш ва унда комсомол-ёшлар бригадаси ташкил қилишга киришди. Сталин номли колхоз комсомол-ёшлари ҳам янги ерларни ўзлаштириш ва улардан мўл пахта ҳосили етиштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мирзачўл комсомол ва ёшлари партиямизнинг чақириғига жавобан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга, пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун бор кучларини сафарбар этажаклар.

А. АЗИМОВ.

ЎзЛКСМ Мирзачўл район комитетининг секретари.

Янги ерларни ўзлаштирамиз

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг а'золари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорини кўтаринкилик ва меҳнат соҳасидаги ғайратни янада ошириш блан кутиб олдилар.

Колхоз а'золари йилдан-йилги янги ерларни ўзлаштириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Ўтган йил экин майдони колхозда 880 гектарга кенгайтирилиб, 80 гектар янги ер ишга солинди. Колхозчиларнинг йил бўйи самарали ишлашлари орқасида ҳар гектар ердан 26 центнерга етказиб ҳосил олинди. Айрим бригада ва звеноларда эса 30 центнердан ҳосил етиштирилди.

— Колхоз а'золари, — дейди колхоз раиси ўртоқ Юсупов, — КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарорига амалий иш блан жавоб бериб, кўкламга тайёргарлик ишларини янада қизитиб юбордилар. Колхозчиларимиз қарор э'лон қилингандан кейин далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариришни икки марта кўпайтирдилар. Рустамов, Исаев, Баҳовуддинов бошлиқ бригадаларда ерлар чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Ирригация шохобчаларини тозалаш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда.

Биз бу йил қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини 150 гектарга кенгайтирамиз. Янги ишга солинадиган бу ерлар тўла ҳайдаб қўйилди. 6-нчи, 7-нчи, 9-нчи пахтачилик бригадаларининг агрофидаги фойдаланилмай ётган ерларни ҳам ишга солиб, ҳарбир гектар ердан камида 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун бригадалар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордик.

Шу блан бирга, баҳорикор ерлардан мўл ғалла ҳосили олиш учун зарур чораларни ҳам кўрмоқдамиз.

Районнинг бошқа колхозларида ҳам кўкламги тайёргарлик ишлари қизғин тус олди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати

Областимиз саноат корхоналарининг ишчи ёшлари Москва комсомолларининг чақириғига яқдиллик блан қўшилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори матбуотда э'лон қилингандан кейин қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшишни истаган камсомол-ёшлардан янада кўплаб ариза тушмоқда.

Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ ва бошқа шаҳар ёшлари ватанпарварлик ҳаракатига яқдиллик блан қўшилмоқдалар. Ҳозир областимиз комсомол-ёшларидан 2 минг 500 дан ортиқ ариза тушди.

Ёш ватанпарварлар ўз аризаларида совет халқи ва она Ватан олдидаги бурчини шараф блан бажаришга ва'да бермоқдалар. Кўпгина ёш механизатор, токарь, слесарь, шофер ва бошқа турли касб эгаларидан шу кунларда комсомол сафига кириш ҳақида аризалар тушабошлади. Улар ўз аризаларида «янги ерларни ўзлаштиришга комсомол сафида бўлиб борамиз ва Ленин комсомолининг жанговар традицияларини янада оширамиз» деб ёзадилар.

Экин майдонларини кенгайтириб, ғалла ҳосилини янада оширамиз

Паркент районининг колхозчилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида» чиқарган қарорини зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар.

Бу йил районда ўтган йилдагига қараганда салкам 3 минг гектар ерга ғалла экилади, ҳосил ўтган йилдагига нисбатан 5,5 центнерга кўпайтирилади. Район колхозлари ғаллачиликни, боғдорчиликни ривожлантириш учун зўр ғайрат блан ишламоқдалар.

Райондаги «Коммуна» колхозининг а'золари бу йил 2 минг гектар ерга ғалла сепадилар. Колхознинг зиғир майдони 360 гектарга кўпайтирилади. Ғаллакорлар давлатга кўпроқ ҳосил етиштириб бериш учун шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кузги буғдойларни эрта баҳорда бороналаш учун ҳозирлик кўрилмоқда. Шунингдек Сталин номли колхозда ҳам ғала ҳосили йил сайин оширилмоқда. Колхоздаги жуда кўп бригадалар буғдой ва арпадан мўл ҳосил олиб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Ўртоқ Парпи Қурбонов бошлиқ бригада а'золари бултур 180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 16 центнердан ғалла олдилар.

— Бригадамизнинг а'золари,—дейди ўртоқ Қурбонов,—партиямиз Марказий Комитети Пленумининг қароридан илҳомланиб, бу йил ҳар гектар ердан 20 центнердан дон олишга қарор қилдилар.

Биз қанча кўп дон берсак, халқимизнинг фаровонлиги шунча яхшиланади. Ғаллачиликни ривожлантириш — чорвачиликни ҳам ривожлантириш демакдир. Биз чорва моллари учун ем-хашак базасини мустаҳкамламоқдамиз.

Паркент районидаги кўпгина узумчилик колхозларининг а'золари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Пленум қарорига жавобан боғдорчиликни ривожлантириш ва узум ҳосилини кўпайтиришга аҳд қилиб, шу кунларда кўкламга зўр тайёргарлик кўрмоқдалар.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Бутун совет халқи ва прогрессив инсоният блан биргаликда Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари ҳам Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартни кенг нишонладилар.

Кеча Свердлов номидаги концерт, залида бу кунга бағишланган умумшаҳар тантанали йиғилиши бўлди. Йиғилишда ишлабчиқариш илғорлари, фан, сан'ат ва адабиёт арбоблари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Халқаро хотин-қизлар куни тўғрисида Тошкент шаҳар Советининг раиси ўртоқ Х. Юсупова доклад қилди.

Докладчи бу йил халқаро хотин-қизлар куни мамлакатимизда партия XIX с'ездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети сентябрь ва март Пленумларининг қарорлари муносабати блан сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати яна, ғоят ошиб кетган вазиятда нишонланаётганлигини уқтириб ўтиб, Ўзбекистон хотин-қизларининг ижодий меҳнати ҳақида, Ўзбекистон хотин-қизлари коммунистик қурилиш ишига қўшаётган ўз ҳиссаларини узлуксиз кўпайтираётганликлари, бутун дун'ёда тинчлик учун актив кураш олиб бораётганликлари ҳақида муфассал сўзлаб берди.

Докладчи жонажон Совет ҳукумати шарафига, совет халқини зўр ишонч блан олга, коммунизм сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтиб ўз докладини тамомлади. Йиғилиш қатнашчилари бу сўзларни давомли гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ ФАН ХОДИМЛАРИНИ ОРДЕН ВА МЕДАЛЬЛАР БЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 17 ноябрьдаги Фармонига мувофиқ, кўп йиллик хизматлари ва самарали ишлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

Амаспюр Хачатуровна **Душикян** — медицина фанлари кандидати, сил касалликлари институтининг старший илмий ходими.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН

1. Антонина Михайловна **Куреннова**— биология фанлари кандидати, Санитария институти лабораториясининг мудири.
2. Мирза Усмонович **Мирсоатов** — медицина фанлари кандидати, Тери-венерология институти бўлимининг мудири.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БЛАН

1. Аршавир Аветович **Азатян** — медицина фанлари кандидати, Семашко номли Курортология ва физиотерапия институти бўлимининг мудири.
2. Рахиль Петровна **Кац** — медицина фанлари кандидати, Тери-венерология институти секторининг мудири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

1. Арон Моисеевич **Болохвянский** — медицина фанлари кандидати, Сил касалликлари институти бўлимининг мудири.
2. Клавдия Александровна **Кочкина**— Санитария институтининг лаборанти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БЛАН

Ҳамидулла **Ҳусанов** — Тери-венерология институти бўлимининг младший илмий ходими.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 6 март.

Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида 1954 йил 6 мартда

ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Шонли пойтахтимиз Москванинг Калинин сайлов округи меҳнаткашлари мени давлат ҳокимиятининг олий органи—СССР Олий Совети депутатлигига ўз кандидатлари қилиб кўрсатиш блан менга катта ишонч билдирдилар. Даставвал ана шу юксак шараф учун сизларга самимий ташаккур изҳор қилишга ва сизнинг ишончингизни оқлаш учун бутун кучимни сарф қиламан деб айтишга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).** СССР Олий Совети депутати деган буюк давлат постига кўрсатилаётган биз, коммунистларнинг ҳарбири халқнинг ишончи учун бизни тарбиялаб етиштирган Коммунистик партиядан, унинг Марказий Комитетидан миннатдор эканлигимизни яхши билади. **(Қарсаклар).**

Гениал йўлбошчимиз ва устозимиз улуг Ленин томонидан вужудга келтирилган Коммунистик партия халқни эўр ишонч блан коммунизм йўлидан олиб бормоқда. Коммунистик партия социализм иши учун қаҳрамонона кураши блан, халққа фидокорона хизмат қилиши блан барча меҳнаткашларнинг чексиз муҳаббати ва ишончига сазовор бўлди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли эллик йиллиги Маркс — Энгельс—Ленин—Сталин та'лимотининг голиб ва қудратли кучини яққол кўрсатган намойиш бўлди. Меҳнаткашлар Коммунистик партиянинг халқ манфаатларидан хам юксак манфаатлари йўқлигини, Коммунистик партия чинакам халқ партияси эканлигини ўзларининг кўпйиллик тажрибаларида кўриб ишондилар. Коммунистик партия халқ блан чамбарчас боғлангалиги туфайли, ўз сафларининг пўлатдек маҳкам бирлиги туфайли, марксизм-ленинизмга садоқати туфайли кучлидир. Бизнинг партиямиз ҳозирги вақтда ҳарқачонгидан кўра маҳкам бирлашган ва жипслашгандир! **(Давомли қарсаклар).**

Мамлакатимизнинг халқлари СССР Олий Совети сайловини жонажон Коммунистик партия теварагига, унинг Марказий Комитети ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқдалар. Совет халқи Коммунистик партия томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни астойдил ма'қуллайди ва якдиллик блан қувватлайди. КПСС XIX с'ездининг, Марказий Комитет сентябрь Пленумининг тарихий қарорларида, партия ва ҳукуматнинг шундан кейинги қарорларида, Марказий Комитетнинг яқинда тамом бўлган Пленум қарорларида мамлакатимизнинг ҳозирги даврдаги тараққиётининг жанговар программаси кўрсатиб берилган. Коммунистик партиянинг сиёсати Совет Ватанининг қудратини янада мустаҳкамлашга, экономика ва маданиятни янада эўр бериб ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини тўхтовсиз оширишга, СССРнинг хавфсизлигини та'минлашга ва бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган.

Совет халқи бу сиёсатни амалга ошириш учун эўр ғайрат блан курашмоқда, чунки Коммунистик партиянинг, унинг Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг олий мақсади халқ бахт-саодати тўғрисида ва Совет Ватанини яшнатиш, коммунизм қуриш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат эканлигини совет халқи яхши билади. Бу эса, бизнинг асосий ва энг муҳим мақсадимиздир.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосини қурган Владимир Ильич Ленин халқ сиёсий партияларни ва жамоат арбобларини уларнинг декларациялари ва ва'даларига қараб эмас, балки ишларига қараб текширади, деб та'лим берган эди. Совет кишилари Ильичнинг ана шу доно васиятини яхши эсда тутадилар ва ўзлари сайлайдиган вакилларидан халққа садоқат блан хизмат қилишни, партия ишлаб чиққан сиёсатни сабот блан амалга оширишни талаб этадилар. Шу сабабдан Олий Советга ўтказиладиган сайловларнинг ҳарбири бизда партиямизнинг сиёсати амалда қандай юзага чиқарилаётганлигига умумхалқ синови бўлаётганлиги табиий бир ҳолдир.

Ўтган сайловлардан буён тўрт йил ўтди. Шу кунларда жуда кўп сайловолди йиғилишларида миллионларча совет кишилари партия Марказий Комитетининг сайловчиларга қарата чиқарган Мурожаатини, ишларимизнинг якунларини, ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги асосий вазифаларни муҳокама қилмоқдалар.

Ўтган йилларнинг якунлари нимадан иборат, яқин давр ичидаги асосий вазифалар нимадан иборат?

Коммунистик партия 1950 йилдаги сайловларни кутиб олган бир пайтда социалистик саноатни тўхтовсиз ривожлантириш учун кураш вазифасини қўйган эди. Ҳозирги кунда Совет давлатининг индустрия қуввати ана шу йиллар ичида қандай ўсганлигини ҳамма яққол кўриб турибди.

1953 йилда СССРда пўлат бундан 4 йил илгаридагига нисбатан қарийб 15 миллион тонна кўпроқ, ёки урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан икки мартадан зиёд кўпроқ қуйилди; прокат ишлаб чиқариш 11 миллион тоннадан зиёд, ёки 1940 йилдагига нисбатан 2.2 марта зиёд ортди.

Ана шу 4 йил ичида кўмир чиқариш 36 процент кўпайди ва 1953 йилда 320 миллион тоннага етди, я'ни 1940 йилдагидан қарийб икки марта ортди.

Бизнинг мамлакатимиз ўтган йили 52 миллион тоннадан кўпроқ, я'ни 1940 йилдагидан 70 процент кўпроқ нефть олди. Ўтган 4 йил ичида нефть чиқариш 58 процент ортди.

Совет саноати ўтган йили бундан 4 йил илгаридагига нисбатан 2.2 марта кўпроқ, ёки 1940 йилдагидан 3,8 марта кўпроқ машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқарди.

1953 йилда СССРда 133 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ, я'ни 4 йил илгаридагига нисбатан 71 процент кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқарилди. Кейинги 4 йил ичида СССР даги электростанцияларнинг қуввати 11 миллион киловатт ортди. Электростанцияларимиз қуввати ўсишининг аҳамиятини равшан тасаввур этиш учун машҳур ГОЭЛРО плани электростанцияларнинг қувватини 1 миллион 750 минг киловатт оширишни мўлжалланганлигини эсга солиб ўтишга тўғри келади. Бунинг ма'ниси шуки, Совет мамлакати кейинги 4 йил ичида электростанцияларнинг ишлабчиқариш қувватини ГОЭЛРО планида 10—15 йилга мўлжалланганидан 6 мартадан зиёд оширишга муваффақ бўлди. **(Қарсаклар).**

Булар бизнинг партиямиз ва совет халқи Ленининнинг мамлакатни электрлаш тўғрисидаги буюк идеяларини амалга ошириш учун қандай эўр сабот блан кураш олиб бораётганликларини яққол исбот этмайдими!

Саноатдаги энг муҳим тормоқларнинг ўсиши ҳақидаги ма'лумотлар бизнинг халқимиз мамлакатни социалистик негизда индустриялашдан иборат доно сиёсат натижасида қандай буюк самараларга эришаётганлигини очиқ-равшан кўрсатади. Бу сиёсат Ленин ишларининг улуг давомчиси И. В. Сталин бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида амалга оширилди.

Эндиликда, бизда қудратли индустрия вужудга келтирилган бир пайтда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет экономикаси асосларининг асоси бўлган оғир саноатни янада ривожлантиришга катта э'тибор қилган ҳолда, енгил ва озиқ-овқат саноатини тез сур'атлар блан юксалтириш, қишлоқ хўжалигининг кескин суратда ривожланишини та'минлаш имкониятига эгадир.

Ма'лумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўз қарорларида кўп иста'мол қилинадиган саноат моллари ишлаб чиқаришни бешинчи бешйиллик планда кўрсатилганидан анча кўпроқ ҳажмда оширишни мўлжалладилар. Саноатнинг ана шу тармоқларига чиқариладиган маблағ кўп даража оширилади. 1954 йилда Кенг иста'мол саноат моллари министрлиги ва Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги бўйича капитал маблағ чиқариш 1953 йилдаги 7,6 миллиард сўм ўрнига 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағни ташкил этади. Демак, капитал маблағ чиқариш 84 процент ортади. Мамлакат енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиётининг бундай тез сур'атлари илгари ҳеҳқачон кўрилмаган эди.

Оғир ва енгил саноатнинг янада ривожлантирилишини та'минлаш учун фойдаланилмаётган жуда кўп резервларни топиш ва ишга солиш зарур. Илғор корхоналар ишлабчиқаришни уюштириш соҳасида жуда қимматли тажриба тўпладилар. Бу тажрибани ёйиш саноатимизнинг мавжуд машина-ускуналар ва мавжуд майдонларда маҳсулот чиқаришни кескин суратда оширишига имкон беради.

Бир мисол келтираман. Гиштни жадал пишириш методи матбуотда кенг ёритилди. Воронеждаги гишт заводининг мастери ўртоқ Дуванов ана шу методни қўлланишни таклиф этган эди. Бу метод печьнинг ҳарбир кубометридан гишт чиқаришни 2300 донагача етказиш имконини беради, ҳолбуки ҳозирги вақтда гишт заводларида печьнинг ҳарбир кубометридан 1200 дона гишт олинмоқда. Агар барча гишт заводларини Дуванов методи блан ишлашга кўчирилса, янги заводлар қурмай туриб, гишт чиқаришни қарийб икки марта кўпайтириш имконияти туғилади. Ҳозирги технология шароитида гишт чиқаришни икки марта ошириш лозим бўлса, бунинг учун янги заводлар қуришга салкам 10 миллиард сўм сарф қилиш талаб этилади. Бу мисол ишлабчиқариш майдонлари ва машина-ускуналардан фойдаланишдаги илғор методларни жорий қилиш қандай катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатади.

Мамлакатнинг халқ хўжалигида катта ўрин тутган Москва шаҳри ва Москва областининг саноати ишлабчиқариш планларини системали суратда ошириб бажармоқда. Аммо, Москва саноатида ҳам барча имконият ва резервлардан тўла фойдаланмаётган қолоқ корхоналар ҳам кўп. Ўртоқлар, пойтахтдаги 117 корхона ўтган йили ишлабчиқариш планини бажармаганлиги ва 270 миллион сўмлик маҳсулот бераолмай қолганлиги факт-ку. Ба'зи корхоналарнинг берилган номенклатура бўйича планни бажармаётганликлари ҳам катта камчиликдир.

Саноатнинг энг муҳим вазифаларидан бири—маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришдан иборат. Шуни та'кидлаб ўтиш керакки, енгил саноатнинг кўпгина корхоналарида кенг иста'мол молларининг сифатига етарли даражада э'тибор берилмаётир.

Яқин вақтлар ичида бизда кўпгина яхши газламалар бўлиши учун, уларнинг рангба-ранг ва чиройлик бўлиши учун, пойафзалнинг чиройлик ва пишиқ ишланиши учун, совет кишисининг ҳаётини гўзаллаштирадиган энг яхши ҳарсаларни мўл-кўл ишлаб чиқариш учун бутун чоранги кўриш зарур. Партия бу ишни амалга ошириш учун чинакам кураш олиб бормоқда ва бу иш муваффақиятли суратда амалга оширишга шубҳа қилинмаса ҳам бўлади. **(Қарсаклар).**

Коммунистик партия ўтган сайловлар олдидан социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифасини қўйган эди. Бу давр ичида колхозлар анча мустаҳкамланди, МТСлар неча юз минглаб трактор, комбайн ва бошқа машиналарни олди. Кўпгина колхоз ва совхозлар ҳосилни кўпайтирмоқдалар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширмоқдалар. Аммо, бу муваффақиятлар бизни асло қаноатлантираолмайди.

КПСС Марказий Комитети кейинги олти ой ичида ўз Пленумларида мамлакатда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришни янада ривожлантириш соҳасида кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни икки марта муҳокама қилди ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда ривожлантириш программасини белгилади. Бу эса, партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қандай катта э'тибор бераётганлигини кўрсатади. Партия бу ишда яқин икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил саноатнинг эса хомаш'ёга бўлган эҳтиёжларини мўл-кўл қилиб та'минлайдиган даражага кўтариш зарур эканлигига асосланади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишини та'минлаш учун колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ва ишчилар синфидан кўп куч ва ғайрат сарф қилиш талаб этилади. Ишчилар синфи колхоз қишлоғига катта ёрдам бермоқда ва бундан кейин ҳам катта ёрдам бериши керак. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаси—умумхалқ вазифасидир.

Дон етиштиришни кўпайтириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш вазифалари тўғрисида алоҳида гапириб ўтишга тўғри келади. Партия дон хўжалигини бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришнинг асоси деб қарайди. Ғалла нечоғлик кўп бўлса мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини—галла, гўшт, ёғ, сут, мойни шу қадар кўп олади. Шу сабабдан, биз дон етиштиришни кўпайтиришни биринчи галдаги энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз.

Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган Пленуми дон етиштиришнинг ҳозирги даражаси халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирмайди, деб та'кидлади. Ҳозирги вақтда мамлакат олдида яқин йиллар ичида давлат йўли блан тайёрлаш ва сотиб олишни кескин суратда ошириш учун дон етиштиришни анча кўпайтириш вазифаси турибди.

Бу вазифаларни бажариш учун партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ҳамма ерларда ҳосилни кўпайтириш блан бир қаторда, асосан мамлакатнинг шарқий областларида 13 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш зарур деб топди. Ўртоқлар, бу жуда катта вазифа. Биз илгари бу вазифани ҳал этаолмаган эдик. Механизатор кадрлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари ўсиб етишган, қишлоқ хўжалиги биринчи даражали техника блан та'минланган ҳозирги пайтда бизда ана шундай кўп миқдорда ва жуда қисқа вақт ичида янги ерларни ўзлаштириш учун барча имкониятлар мавжуддир.

Бу йил янги ерларни ўзлаштириш учун МТС ва совхозларга ўн беш от кучли 120 минг трактор ва бошқа кўпгина машиналар юборилади. Социалистик саноат бундай қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалиги учун шу қадар кўп миқдорда машина бераётган экан, бу нарса саноатнинг ғоят илгаралаб кетганлигини кўрсатади! Ўртоқлар, Ленин юз минг трактор чиқаришни орзу қилганлиги эсингиздадир! Энди бўлса биз бир йил ичида қишлоқ хўжалигига Владимир Ильич орзу қилганидан кўп даража ортиқ трактор бермоқдамиз! **(Қарсаклар).**

Партия саноат ходимларини, қишлоқ хўжалиги механизаторларини, комсомолларни ва ёшларни янги ўзлаштириладиган районларда ишлаш учун энг яхши, энг муносиб кишиларни ажратишга чақирди. Москва комсомоллари қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун кўнгилли ёш ватанпарварларнинг биринчи отрядларини юбордилар. Москва комсомолларининг ана шу ажойиб ташаббуси мамлакатнинг кўп районларида қўллаб-қувватланди. Неча минглаб совет ватанпарварлари Қозоғистонга ва Олтой ўлкасига жўнаб кетдилар. Улар МТС ҳамда совхозларда ишни бошлаб юбормоқдалар. Бу кишилар қийин, лекин шонли ишни бажариш учун жўнаб кетдилар. Йиллар ўтар ва улар партиянинг чақириғи блан қўриқ ерлар қандай ўзлаштирилганлиги тўғрисида, янги районларда МТС ва совхозларни қандай барпо қилганликлари ва мамлакатга кўп галла берганликлари ҳақида, Ватаннинг бахт-саодати йўлида фидокорлик блан қандай меҳнат қилганликлари тўғрисида ўз болалари ва набираларига фахр блан сўзлаб берадилар.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет интеллигенцияси саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида партия томонидан қўйилган янги муҳим вазифаларни зўр хурсандчилик блан кутиб олдилар. Совет кишилари бу вазифаларни амалга оширишга қат'ий қарор бергандирлар. Социалистик мусобақа борган сари кенгайиб бормоқда, илғорларнинг сафлари кўпаяябормоқда.

Ўртоқлар, меҳнат унумини тўхтовсиз ошириш—кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Улуг Ленин меҳнат унуми янги ижтимоий тузумнинг галабаси учун энг асосий, энг муҳим нарса, деб та'лим берган эди. Коммунизм миллионларнинг ижодий меҳнатидан ўсиб чиқади. Шу сабабдан, биз омманинг ижодий активлигини ҳартомонлама ривожлантиришимиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз, янги техникадан максимал фойдаланиш асосида меҳнат унумини кун сайин оширишимиз керак.

Совет мамлакати саноат ва қишлоқ хўжалигида юксак иш намуналарини кўрсатаётган талантли кишиларга бойдир. Саноат ва транспортнинг ҳарбир корхонасида, колхозларда, МТС ва совхозларда илғорларнинг тажрибасини кенг қўлланиш давлат аҳамиятига эга бўлган ғоят муҳим ишдир.

Коммунистик партия ўтган сайловлар олдидан меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада ошириш вазифасини қўйган эди. Партия ўзининг ана шу вазифасини оғишмай бажармоқда.

Ма'лумки, урушдан кейинги йилларда мамлакатимизда молларнинг нархи олти марта камайтирилди. Ҳозирги вақтда кўп иста'мол қилинадиган молларнинг нархи 1947 йилдагидан 2,2 марта кам. Ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақи доимо ошмоқда, колхозчиларнинг даромадлари ҳамиша кўпаймоқда. Халқ иста'моли йил сайин ўсмоқда, халқ иста'молининг структураси яхшиланмоқда ва ўзгариб бормоқда. Ўтган йили аҳолига урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 2—2,5 марта кўпроқ гўшт, ёғ, сут, қанд, мева сотилди. Аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида совет савдосини ривожлантириш соҳасида катта иш қилинмоқда.

Партия ва ҳукумат ер-ер қурилишига катта э'тибор бермоқда. Аввалги сайловлардан буён ўтган 4 йил ичида шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида жам'и 106 миллион квадратметр ҳажмида уй-жой қурилди. Шу давр ичида Москвада 2 миллион 866 минг квадратметр ҳажмида уй-жой қурилди. Бу даврда қишлоқ жойларида 1 миллион 600 мингдан кўпроқ уй-жой қурилди.

Бу рақамлар ғоят катта эканлигини кўриб турибсиз. Аммо улар бизни қаноатлантираолмайди, чунки бизда уй-жой ҳали ҳам етишмаётир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бундан кейин ҳам уй-жой, мактаб, касалхона, болалар муассасалари қурилишини ҳартомонлама кучайтирадилар.

Барча партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун кураш масалаларига кўпроқ э'тибор беришлари керак. Ба'зи ходимлар бундай масалаларни майда-чуйда масалалар деб қараб, улардан қўл силташга мойилдирлар. Лекин булар майда-чуйда масалалар эмас, чунки бу масалалар кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига тааллуқлидир.

Олдимизда турган катта вазифалар раҳбарлик методларини такомиллаштиришни, давлат аппаратидаги барча звеноларнинг ишларини яхшилашни талаб этади. Жуда кўп қархил резолюция ва директивалар кадрларимизнинг кўп э'тибор ва кучини олади. Бизда мажлис ўтказиш ва резолюциялар ёзишга одатланиб қолган ходимлар ҳали оз эмас. Аммо, улар кишиларни севмайдилар ва кишилар блан ишлашни билмайдилар, меҳнаткашларнинг зарур эҳтиёжларига э'тибор бермайдилар, ишнинг тафсилотига чуқур диққат қилмайдилар. Бундай амалдорлар ишнинг кўзини билмайдилар, аммо улар ҳарқандай масала ҳақида—ишнинг жунини қандай қирқиш ҳақида ҳам, товуқни қандай соғиш ҳақида ҳам директивалар бераоладилар. **(Залда кулги).** Бундай ходимлардан узил-кесил қутулиш керак. **(Қарсаклар).**

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати юқоридан тортиб пастгача давлат аппаратининг ишларини яхшилаш ва такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар. Барча камчиликларга, бюрократизмга ва сансалорликка қарши кураш партиямизнинг, халқимизнинг танқид ва ўз-ўзини танқид наби сипалган ўткир қуроли бор. Ўз-ўзини танқидни ва айниқса қўйидан бўладиган танқидни ҳартомонлама кучайтириш, камчиликларни йўқотишга, бутун ишимизни яхшилашга эришиш лозим.

Коммунистик партия ўтган сайловлар олдидан халқ маорифи, фан ва маданиятнинг янада юксалишини та'минлаш вазифасини қўйган эди.

Эндиликда, бизнинг мамлакатимизда 57 миллиондан ортиқ киши ўқишнинг турли шаклларига жалб этилган. Булардан олий ўқув юртлари ва техникумларгагина 3 миллиондан ортиқ киши ўқиноқда. Сўнгги 4 йил ичида СССРда 2 миллион ўринлик 11 мингга яқин мактаб биноси қурилди.

Совет олимлари, адабиёт ва сан'ат арбоблари, инженерлар ва агрономлар, ўқитучилар ва врачлар, шонли халқ интеллигенцияси коммунистик жамият қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бизнинг олимларимиз билимнинг ҳамма соҳаларида кўпгина йирик кашфиётлар блан фанни бойитдилар. Совет мамлакати атом энергияси олиш соҳасида Америка Қўшма Штатларининг монополиясига хотима берди. Бу эса, империалист агрессорларни ҳушга келтирадиган кучли воситадир. **(Давомли қарсаклар).**

Коммунистик партия ўтган сайловлар олдидан совет кишиларини жонажон социалистик давлатимизни ҳартомонлама мустаҳкамлашга чақирган эди. Эндиликда кўпмиллатли совет давлати ҳарқачонгидан кўра мустаҳкамдир. Совет халқларининг дўст оиласи ҳамжиҳатлик блан коммунистик жамият қурмоқда. Бу йил Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг буюк миллий байрами сифатида нишонланади. Бу эса, мамлакатимиз халқлари буюк дўстлигининг ажойиб намуналаридан биридир. Ишчилар синфи блан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, совет кишиларининг ма'навий-сиёсий бирлиги, уларнинг ҳаётбахш ватанпарварлиги, халқнинг жонажон Коммунистик партия теварагига метиндек маҳкам жипслашганлиги ўзининг самарали ролини жуда яққол кўрсатмоқда. Бизнинг партиямиз совет социалистик демократияни ҳартомонлама ривожлантирмоқда, миллионларча меҳнаткашлар оммасини давлатни бошқариш ишларига жалб этмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ кучларини тинч қурилиш планларини бажаришга сафарбар қилгани ҳолда, капиталистик мамлакатларда иқтисодий қийинчиликлардан ва империалистик лагерьнинг кескинлашиб бораётган зиддиятларидан янги урушга тайёрланиш йўли блан қутулишга интилаётган реакцион кучлар борлигини ҳисобга олмай қололмайдилар. Шу сабабдан, партия ва ҳукумат тинчлик сиёсатини сабот блан амалга ошириб, совет кишиларининг тинч меҳнатини ва Ватанимизнинг хавфсизлигини хуш'ёрлик блан қўриқлаётган Совет давлатининг Қуролли Кучларини тинмай такомиллаштиришда ва мустаҳкамламоқда. **(Гулдурос қарсаклар).**

Партия халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг қудратли таянчи бўлган Совет давлатини бундан кейин ҳам ҳартомонлама мустаҳкамлашни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. Совет социалистик давлатининг қудратини ошириш — мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. **(Давомли қарсаклар).**

Коммунистик партия Олий Советга илгари ўтказилган сайловлар олдидан ўзининг ташқи тинчлик сиёсатини изчиллик ва қат'ият блан амалга ошириш, халқ-демократияси мамлакатлари блан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барча мамлакатлар блан амалий алоқаларни кенгайтириш вазифасини, империалист агрессорларнинг кирдикорларига қарши сабот блан курашиш, бутун дун'ёда тинчлик учун курашиш вазифасини қўйган эди. Бу вазифа қат'ият блан амалга оширилаётганини ҳамма кўриб турибди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бу масалада улуг Ленининг икки хил иқтисодий система—социалистик система ва капиталистик системанинг узоқ вақт ёнма-ён туриб тинч яшаши мумкин эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилади. Совет ҳукумати ҳозирги халқаро аҳволда тинч йўл блан ҳал этилиши мумкин бўлмаган жанжали масалалар йўқ, деб ҳисоблайди. Шу сабабдан, СССР халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга эришиш учун бутун чораларни кўрмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг ташқи тинчлик сиёсати блан бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшди. Ташқи ишлар министрларининг яқинда тамом бўлган Берлин кенгаши ҳам бунга яққол исбот этади. Совет Иттифоқининг делегацияси бу кенгаш давомида халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга қаратилган конкрет таклифларни илгари сурди. Ўзаро фойда келтириш асосида бизнинг мамлакатимиз блан амалий алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётган барча мамлакатлар блан СССР ўртасида савдо-сотиқнинг кенгайтирилаётганлиги ҳам буни кўрсатади.

Совет Иттифоқининг халқаро миқ'ёсдаги обрўси бениҳоя ўсди. СССР тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли лагерига бошчилик қилмоқда. Бу йиллар ичида Совет Иттифоқининг Хитой Халқ Республикаси блан улуг дўстлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Бу дўстлик Узоқ Шарқда ва бутун дун'ёда тинчлик учун курашнинг қудратли факторидир.

Совет Иттифоқининг Польша, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Мўғулистон Халқ Республикаси ва Германия Демократик Республикаси блан қардошларча ҳамкорлиги ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. СССР бошчилигидаги тинчлик, демократия ва социализм лагери ҳозирги вақтда шундай буюк кучдирки, бу куч халқаро ҳаётнинг бутун боришига кун сайин ўз та'сирини кўрсатмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бундан кейин ҳам бутун кучини тинчлик учун курашга ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун, СССРнинг барча мамлакатлар блан иқтисодий алоқаларини тобора ривожлантириш учун курашга сафарбар қилади. **(Қарсаклар).**

Совет давлати бениҳоя қудратли куч бўлиб, галабадан галабага эришиб, халқ-демократияси мамлакатлари блан қардошларча ҳамкорликда улуг мақсад сари эўр ишонч блан олга бормоқда. Коммунизм сари голибона ҳаракатимизни тўхтатоладиган кучлар дун'ёда йўқдир! **(Гулдурос қарсаклар).**

Коммунистик партия, Совет ҳукумати, меҳнаткаш совет халқининг мустаҳкам бирлиги галабаларимизнинг гаровидир. Коммунистик партиянинг кенг меҳнаткашлар оммаси блан тўхтовсиз ўсиб бораётган жонли алоқаси коммунистлар блан партиясизларнинг халқ блокида ўзининг ёрқин ифодасини топади. **(Давомли қарсаклар).**

СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловда коммунистлар блан партиясизлар блокининг галабаси учун! **(Гулдурос қарсаклар).**

Қудратли Совет Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи—улуг Коммунистик партия! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин шонли совет халқи, ижодкор халқ, голиб халқ! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

СССР Олий Совети депутатлигига кандидатларнинг сайловчилар блан учрашувлари

☆ ☆ ☆

МОСКВА ШАҲАР КАЛИНИН САЙЛОВ ОКРУГИ

6 мартда Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш СССР Олий Совети депутатлигига кандидат КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчёв блан учрашиш учун чақирилган эди.

Союзлар Уйининг Колонна зали байрамдагидек безатилган. Пойтахтнинг бу сайлов округи составига кирган Калинин ва Первомайск районлари меҳнаткашлари йиғилишга тўпландилар. Булар орасида «Фрезер», «Серп и Молот», «Компрессор» заводлари ва бошқа корхоналарнинг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари, илмий ходимлар, врачлар, ўқитучилар, пенсионерлар, студентлар, уй-рўзғор ишлари блан шуғулланучи хотинлар, Совет Армиясининг вакиллари бор эди.

Йиғилишни Москва шаҳар, Калинин район партия комитетининг секретари ўртоқ И. М. Соколов очди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчёв Президиумда пайдо бўлганида ҳамма уни гулдурос қарсаклар блан кутиб олди. Залдагиларнинг ҳаммаси ўринларидан турадилар.

«Фрезер» заводининг токари ўртоқ Л. М. Забудаловга сўз берилади. У, мамлакатимизнинг ишчилари, колхозчилари, интеллигентлари СССР Олий Советига сайлов кунини саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасида, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида меҳнат ғалабалари блан кутиб олаётганликлари тўғрисида гапиради. Совет халқи ўзининг жонажон Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслашмоқда. «Фрезер» заводининг коллективи партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажариб, ишлабчиқаришни ҳартомонлама ривожлантириш учун, мавжуд ишлабчиқариш майдонлари ва машина асбоблар блан ишлаб кўпроқ маҳсулот чиқариш учун курашмоқда.

—Заводимизнинг коллективи,—дейди ўртоқ Забудалов,—Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби, Коммунистик партия Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчёвни Москва шаҳар, Калинин сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига якдиллик блан кандидат қилиб кўрсатди. Москвалиларнинг кўпгина шонли ишлари Никита Сергеевичнинг номи блан боғланган. Ўртоқ Хрушчёв бирнеча йил мобайнида Москва партия Комитетига бошчилик қилди. Биз, Никита Сергеевич Хрушчёв учун овоз бериш блан жонажон Коммунистик партиямизга якдиллик блан ишонганлигимизни ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигимизни изҳор қиламиз.

СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси, техника фанлари доктори ўртоқ В. А. Кириллин минбарга чиқади. Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари,—дейди у,—Олий Совет сайлови кунида коммунизм қуришдан иборат буюк ишга ўз садоқатларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар, коммунистлар блан партиясизлар мустаҳкам блокининг кандидатлари учун овоз берадилар. Ўртоқ Кириллин Москвадаги В. М. Молотов номли Энергетика институтининг олимлари ва бутун коллективи номидан гапириб, Калинин сайлов округининг барча сайловчилари сайловда қатнашадилар ва Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди Никита Сергеевич Хрушчёв учун якдиллик блан овоз берадилар, деб ишонч билдирди.

Врач В. Г. Макарова ўз нутқида Совет мамлакатида соғлиқни сақлаш ишлари соҳасида эришилган муваффақиятларга тўхталиб ўтди.

— Коммунистик партия ва Совет давлатининг отоқли арбоби Никита Сергеевич Хрушчёв учун овоз бериш блан,—дейди у,—Коммунистик партиянинг бутун совет халқининг асл манфаатларига жавоб берадиган сиёсатининг тантанаси учун, улуг Ватанимизни яшнатиш учун овоз берган бўламиз.

«Серп и Молот» металлургия заводининг инженери ўртоқ В. И. Григорьев сўзлайди.

— Совет халқи бажараётган буюк ижодий ишда,—деди у,—заводимиз металлургларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Совет Иттифоқидаги мингдан ортиқ завод ва фабрика «Серп и Молот» заводининг маркаси қўйилган металлни олмоқда. Завод коллективи СССР Олий Советига сайлов кунини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, биринчи квартал планини муддатидан илгари бажаришга, пландан ташқари неча юз тонналаб пўлат, прокат, неча ўн минг сўмлик халқ иста'моли моллари ишлаб чиқаришга қарор берди. Мен бугун коллектив ўз мажбуриятларини муваффақиятли суратда бажармоқда, деб қувона-қувона гапираман. «Серп и Молот» заводи металлургларининг кўпминг кишилик коллективи Калинин сайлов округининг барча сайловчилари 1954 йил 14 мартда сайловда қатнашадилар ва партия ҳамда халқнинг содиқ фарзанди Никита Сергеевич Хрушчёв учун якдиллик блан овоз берадилар, деб ишонч билдиради.

Шундан кейин Калинин сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган ўртоқ Н. С. Хрушчёв катта нутқ сўзлади. Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчёвни давомли қарсаклар блан кутиб олдилар. (ТАСС).

☆ ☆ ☆

СВЕРДЛОВ САЙЛОВ ОКРУГИ

СВЕРДЛОВСК, 6 март. (ТАСС). Бугун буерда Свердловск сайлов округи сайловчиларининг Миллатлар Совети депутатлигига кандидат, ВЦСПС раиси ўртоқ Н. М. Шверник блан учрашуви бўлди.

Свердловск Давлат опера ва балет театри залига икки мингга яқин киши тўпланди. Ишончли вакил ўртоқ Павловга сўз берилади. Ўртоқ Павлов бундай дейди:

— Свердловск шаҳар ва Свердловск областининг машинасозлари, металлургдари, кончилари, транспорт ва қишлоқ хўжалик ходимлари ва олимлари Николай Михай

Свердлов сайлов округи сайловчиларининг йиғилишида 1954 йил 6 мартда

ўртоқ Н. М. ШВЕРНИКНИНГ сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Совет халқи ўз жонажон Коммунистик партиясининг ишчилар блан деҳқонлар бузилмас иттифоқини мустаҳкамлашга, халқнинг моддий аҳволини ва маданий савиясини оширишни та'минлайдиган ишлабчиқариш кучларини янада ривожлантиришга қаратилган сиёсатининг тўғрилигига қат'ий равишда ишонган ҳолда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Советига депутатлар сайлаш кунини кутиб олмоқда.

Сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар ўзларининг бирлигини ҳамда халқ блан чамбарчас бўлиб боғланган, ўзининг бутун кучини хўжалик ва маданий қурилишни янада кучайтиришга бағишлаётган Коммунистик партия теварагига жипслашганликларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатадилар.

Совет кишилари Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматини шунинг учун ҳам чексиз қўллаб-қувватламоқдадирларки, бизнинг социалистик давлатимизда меҳнаткашларнинг асл манфаатларини ҳимоя қилаётган ишчилар ва деҳқонлар, меҳнат ва фан аҳиллари, аҳоли турли табақаларининг вакиллари ҳокимият тепасида турибди.

СССР Олий Советига ўтказилган кейинги сайловлардан бери тўрт йил ўтди. Шу давр ичида совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида саноатни ва қишлоқ хўжалигини, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида фанни ва техникани янада ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришди.

Совет кишилари урушдан кейинги бешйиллик планни муддатидан олдин бажариб, коммунистик қурилишнинг ғоят зўр программасини ўз кучларини ва меҳнатларини аямай, фидокорлик блан амалга оширмоқдалар.

Партия XIX с'езди бешинчи бешйиллик план юзасидан берган директивларида Совет Иттифоқининг ривожланиш йўлларини белгилаб кўрсатди. Ўтган йил ичида саноат ва қишлоқ хўжалиги янада юксалди, миллий даромад ўсди, халқнинг моддий аҳволи яхшиланди ва маданий савияси ошди.

Саноат ишлабчиқаришининг ҳажми урушдан олдинги 1940 йилга нисбатан 2,5 баравар ошиб кетди.

Ҳукумат ва партия социалистик экономикани ҳартомонлама ривожлантириб, оғир саноатни биринчи навбатда янада кенгайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда, чунки оғир саноат бутун халқ хўжалигини яшнатишнинг негизи бўлиб келди ва негизи бўлиб қолмоқда.

Ўтган йил ичида оғир саноат пўлат эритишни, кўмир ва нефть чиқаришни, электр қуввати ҳосил қилишни кўпайтиришда анча муваффақиятларга эришди.

Ҳозирги замоннинг энг илғор машиналарини, станокларини ва ускуналарини ясаб берайтган совет машинасозлиги тез ўсмоқда ва ривожланмоқда. Машинасозлик корхоналари машиналарни ва ускуналарни урушдан олдинги 1940 йилга нисбатан деярлик тўрт баравар кўп ишлаб чиқардилар.

Партия ва ҳукумат социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни ривожлантириш блан бирга, халқ исте'мол қиладиган буюмлар ишлаб чиқаручи саноат тармоқларини ҳам унутмайдилар.

Коммунистик партия яқин икки—уч йил ичида аҳолининг саноат ва озиқ-овқат моллари блан та'минланишини кескин суратда ошириш учун енгил саноатни қат'ий равишда юксалтирмоқда.

Енгил саноат 1953 йилда анча тез сур'атлар блан ривожланди ва маҳсулот чиқаришни 1952 йилга нисбатан 12 процент кўпайтирди.

Шойи газламалар, шерсть газламалар ва зиғирпоя толасидан тўқилган газламалар, ички трикотаж, пойқўлар, ўсимлик мойи, маргарин, макароннар ва бошқа кенг исте'мол моллари йиллик пландан ошиқроқ чиқарилди.

Лекин шуларнинг ҳаммаси ҳозирча етарли эмас. Аҳолининг тинмай ўсиб бораётган талабини тўла равишда қондириш учун бизда халқ исте'моли моллари етарлик миқдорда ишлаб чиқаришни кўпайтириб юбориш соҳасида ҳамма имкониятлар бор.

Партия ва ҳукумат енгил саноат ходимларининг куч ва ғайратларини моллар сонини кўпайтиришгагина йўллаб қолмасдан, шу блан бирга, мазкур моллларнинг сифатини яхшилашга ҳам йўлламоқда.

Енгил саноат пишиқ, чиройли ва кўркам, юқори сифатли моллар чиқариши лозим.

Кенг исте'мол моллари ва озиқ-овқат моллари саноатлари корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиянинг шу чақиригига жавобан ҳарбир корхонанинг ишлабчиқариш планларини муддатидан олдин бажариши учун социалистик мусобақани янада кенгроқ авж олдириб юборишлари лозим.

Бизнинг колхозларимиз ва совхозларимиз катта муваффақиятларга эришдилар. Урушдан кейинги давр ичида улар экин майдонларининг миқдорини ҳамда асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини урушдан олдинги даражадан ошириб юбордилар.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги тракторлар, комбайнлар, машиналар ва қишлоқ хўжалик асбоблари блан урушдан олдинги вақтга қараганда кўпроқ ва яхшироқ та'минланган.

Лекин бизнинг мамлакатимиз мана шу ҳеч шубҳасиз катта муваффақиятлар блан кифояланмайди. МТСлар, совхозлар ва колхозларни ривожлантиришда эришилган даража аҳоли ва енгил саноатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда хомаш'ёларга бўлган ва кундан-кунга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондираолмайди.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш программасини ишлаб чиқдилар. Бу программа сентябрь Пленумининг қарорида ҳамда партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича чиқарган кейинги қарорларида ифодаланган.

Бутун қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг негизи бўлган дон хўжалигини бутун чоралар блан ривожлантириш, чорвачиликни тез юксалтириш, картошка ва сабзавот етиштиришни яқин икки-уч йил ичида шаҳарлар, саноат марказлари аҳолисининг, деҳқончилик хомаш'ёсини қайтадан ишловчи саноатнинг талабларини гина эмас, шу блан бирга, чорвачиликнинг эҳтиёжларини ҳам тўла равишда қондиришга имкон берарлик миқдорда етказадиган қилиб ривожлантиришни та'минлаш керак — бизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз мана шу.

Партия ва ҳукумат шу вазифани бажариш учун қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар блан ва ҳамма материал-техника воситалари блан та'минлаш тадбирларини кўрдилар.

Ўтган йил МТСлар ва совхозлар 15 от кучига айлантириб ҳисобланганда 139 минг ҳаммаишбоп трактор, 18 минг чопиқ трактори, 41 минг ғаллакомбайни, 69 минг юк автомобили, 2 миллион донадан кўпроқ қишлоқ хўжалик қуроллари ва машиналари олди.

Партия ва ҳукумат машина-трактор станцияларини, совхозларни ва колхозларни мустаҳкамлашга ўзининг бутун э'тиборини бермоқда.

Тракторчилар, трактор бригадаларининг бригадирлари ва уларнинг ёрдамчилари, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг машинистларидан 1 миллион 250 мингга яқин киши ҳозирданоқ МТСларнинг штатларига ўтказилди.

Саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан малакали инженерлар, техниклар, агрономлар, зоотехниклар қишлоққа юборилди. Булар билимли ва катта иш тажрибасига эга бўлган кишилардир.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг партия Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини амалга ошириш учун қунт блан олиб бораётган кураши қишлоқ хўжалиги даражасини оширишга яхши та'сир қилди.

1953 йил кузида колхозларда ва совхозларда ўтган йилдагига қараганда 13 миллион гектар кўп ер кузги шудгор қилинди ва 3,5 миллион гектар кўпроқ ер қора шудгор қилиб қўйилди, Чорва молларининг сони, сотиб олинган ва тайёрлаган гўшт, сут, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори анча кўпайди.

Партия Марказий Комитетининг февраль Пленуми камида 13 миллион гектар бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига дон экинлари экиладиган майдонни 1954 — 1955 йилларда кенгайтиришдан иборат жуда муҳим давлат вазифасини белгилади, шу ерлардан 1955 йилда 1 миллиард 100 миллион — 1 миллиард 200 миллион пуд дон, шу жумладан, 800 — 900 миллион пуд товар ғалла олинади.

Бўз ва қўриқ ерларни ўзлаштиручи асосий районлар бўлган Қозоғистон, Сибирь, Урал, Волгабўйи ва Шимолий Кавказ меҳнаткашлари Коммунистик партиянинг мана шу жанговар программасини шараф блан бажаришлари лозим. **(Қарсаклар).**

Социалистик экономика мустаҳкамлана ва ривожланаборган сари, меҳнат унуми ошаборган сари, меҳнаткашларнинг даромадлари кўпаяборган сари, бизнинг мамлакатимизда дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги талаблар ҳам тинмай ортаборади.

Дон етиштиришни, айниқса юқори сифатли буғдой етиштиришни ривожлантириш мамлакатимизда аҳоли учун кўпроқ ғаллага эга бўлишга, шунингдек ем бўладиган донларга — маккажўхори, арпа, сулига кўпроқ эга бўлишга имкон беради, бу эса, гўшт, мой ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини кўпроқ етиштиришни та'минлайди. **(Қарсаклар).**

Партия ва ҳукумат қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришни ҳамда дон етиштиришни янада кўпайтиришни барча меҳнаткашларнинг катта ватанпарварлик иши деб ҳисобламоқдалар. **(Қарсаклар).**

Комунистик партия мамлакатимизда биринчи даражали оғир индустрияни, илғор машинасозликни, йирик қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини вужудга келтирди.

Вазифа социалистик экономикани янада ривожлантириш сур'атларини кучайтиришдан иборат. Биз мамлакатимизни ҳарқандай хавфни, унинг қайси томондан келишидан қат'ий назар, даф' қилишга тайёр бўлиб турган янада қудратлироқ мамлакатга айлантиришимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Совет кишилари ўзларининг кучлари ва ғайратларини меҳнат унумини янада ошириш учун курашга қаратишлари ва бирлаштиришлари лозим, чунки бу нарса правардида социализмдан коммунизмга аста-секин ўтишни та'минлайди.

Партия ва ҳукумат томонидан совет халқи олдига жуда катта вазифалар қўйилди. Бу вазифалар бизнинг ҳарқайсимиздан фидокорона меҳнат қилиш блан бирга камчиликларга қарши қат'ият блан кураш олиб боришимизни ҳам талаб қилади.

Ўрмон ва қоғоз саноати, кўмир саноати, бинокорлик материаллари саноатида давлат топшириқларини бажармаётган айрим корхоналар ҳали ҳам бор.

Бундай аҳволга бундан буён тоқат қилиб бўлмайди.

Бизнинг корхоналаримиз ишлабчиқариш планларини муваффақият блан бажармоқ учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига — янги, янада мукаммал ускуналарга, малакали ишчиларга ва инженер-техник кадрларга эгадирлар.

Вазифа мавжуд техникадан тўла фойдаланиш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ҳарбир ишчининг иш нормаларини бажаришига эришишдан иборат.

Биз меҳнат унумини ошириш учун, чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати учун, таннархини камайтириш учун социалистик мусобақани янада яхшироқ ташкил қилишимиз, корхоналарнинг бир ме'ёрда ишлашини бузаётган штурмбозликка қарши кескин кураш олиб боришимиз. лозим.

Айрим корхоналарда социалистик мусобақа тўғрисида ҳархил ҳисобот формаларини тузишга ва ма'лумотлар тўплашга кўп вақт сарф қилинадию, лекин ишлабчиқариш топшириқларини тўла ва ошириб бажаришда ишчиларга жонли конкрет ёрдам кўрсатилмайди.

Шундай корхоналарда социалистик мусобақага фалонча киши тортилган деб кўп гапиришадию, аммо иш нормаларининг ҳамма ишчилар томонидан қандай бажарилаётганликлари тўғрисида камроқ гапирилади.

Мана шундай мусобақа натижасида ҳисобот ма'лумотларига қараганда ишчиларнинг ҳаммаси мусобақага тортилган бўлиб кўринади, амалда эса, ишлабчиқариш планлари бажарилмай қолаберади.

Бу камчиликлар меҳнаткашларнинг иш нормаларини ошириб бажариш учун қунт блан кураш олиб боришлари, ишлабчиқариш новаторларининг илғорлик тажрибаларини корхоналарга кенг суратда ёйиш, меҳнат унумини ошириш, планда кўрсатилган ассортиментда юқори сифатли маҳсулот чиқаришни кўпайтириш, таннархни камайтириш, хўжалик ҳисобини жорий қилиш йўли блан қат'ий йўқотилиши лозим.

Социалистик мусобақадаги мавжуд камчиликларни йўқотиш, омманинг ўсиб бораётган ижодий ташаббусига ва активлигига бошчилик қилиш, саноатнинг, қишлоқ хўжалиги ва транспортнинг барча ички резервларини сафарбар қилиш, орқада қолаётган ҳамма корхоналарни, МТСларни ва совхозларни илғорлар даражасига кўтариш керак — бизнинг амалий вазифамиз мана шу. **(Қарсаклар).**

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишни та'минлади. Ўтган йил ишчиларнинг реал ишҳақи анча ошди, деҳқонларнинг даромадлари кўпайди.

Партия ва ҳукумат томонидан нархлар олти қайта камайтирилганлиги натижасида 1953 йилда 1947 йилга нисбатан нон, макароннлар ва крупаларнинг чакана нархлари деярли уч баравар, картошка ва сабзавотларнинг чакана нархи уч баравардан зиёдроқ, қанд шакарнинг чакана нархи икки баравардан зиёдроқ, гўшт маҳсулотлари ва мол ёғининг чакана нархи деярлик уч баравар камайди.

Шу мунособат блан аҳолининг жавдари нон ва картошка исте'мол қилиши камайди ҳамда анча яхшироқ ва тўқ тутадиган озиқ-овқат маҳсулотларини исте'мол қилиш кўпайди.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларини, қандни, меваларни, карамни, қовун ва тарвузларни исте'мол қилиш айниқса кўпайди.

Газламаларга, тайёр кийимларга, мебельга, санитария ва гигиена буюмларига талаб ошди. Мана шуларнинг ҳаммаси халқ моддий фаровонлигининг ўсганлигини кўрсатадиган далилдир.

Мамлакатимизда фақат хўжалик қурилишидагина эмас, шу блан бирга маданий қурилишда ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди.

Уй-жой бинолари қуриш кенг миқ'ёсда олиб борилмоқда, мактаблар, касалхоналар, курортлар, театрлар, кинолар, кутубхоналар ва клубларнинг сони тўхтовсиз кўпаймоқда.

Ўтган йил давлат корхоналари, муассасалар, маҳаллий Советлар, шунингдек шаҳарлардаги ва ишчи посёлкаларидаги аҳолининг ўзи давлат кредитининг ёрдами блан ҳаммаси бўлиб 28 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қуриб олдилар.

Мактаблар, касалхоналар, поликлиникалар, санаторилар ва дам олиш уйлари, пионер лагерьлари, болалар боғчалари ва яслалари қуришга, маданий-маиший корхоналар ва муассасалар қуришга сарф қилинаётган капитал маблағнинг ҳажми 22 процент кўпайди.

Уй-жой, социал ва маданий-маиший бинолар қурилиши кейинги йилларда янада кенг миқ'ёсда олиб борилади.

Коммунистик партия ва ҳукумат социалистик маданиятни янада яшнатиш, илғор совет фанини ривожлантириш, техникани тараққий қилдириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бизнинг партиямиз фанни ва унинг илғор кишиларини қадрлайди, чунки фан бўлмаса олға ҳаракат қилишимиз мумкин эмас.

Ҳарбир прогрессив илмий кашфиёт ёки ихтиро' бизнинг мамлакатимизда тез фурсатда амалий суратда татбиқ қилинади, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида кенг жорий қилинади.

Бизнинг мамлакатимизда совет фанини ва техникасини ривожлантириш учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилган, бундай шарт-шароит капиталистик мамлакатларда йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Совет фани коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириб, халқ манфаатларига хизмат қилади.

Коммунистик партия Маркс—Энгельс Ленин — Сталин улуғ та'лимотига амал қилиб, мамлакатимизни коммунизмнинг тўла ғалабаси сари ишонч блан олиб бормоқда. **(Қарсаклар).**

Социалистик ишлабчиқариш усули совет жамиятининг барча социал табақаларини бирлаштирди ва бир бутун қилиб боғлади. Социализмнинг ғалабаси блан мамлакатимиз бошқача бўлиб қолди.

Совет кишиларининг ма'навий-сиёсий бирлиги ривожланди ва мустаҳкамланди. Улуғ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг дўстона ҳамкорлиги совет жамияти ҳаётининг қонуни бўлиб қолди.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини тез ривожлантириш учун, тинчликнинг ва барча халқлар хавфсизлигининг таянчи бўлган совет давлатининг қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлаш учун социалистик тузумнинг битмас-туганмас имкониятлари бор.

Аввалги сайловдан бери ўтган давр ичида совет давлатининг халқаро обрўси таққослаб бўлмас даражада ошди.

Бизнинг ташқи сиёсатимиз социалистик экономикани янада ривожлантиришга, барча давлатлар блан, уларнинг ички бошқарув системаларидан қат'ий назар, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатдир. Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатни муттасил ўтказиб келди ва ўтказмоқда, чунки бу тинчликсеварлик сиёсат социалистик давлатнинг моҳиятидан келиб чиқадиган сиёсатдир.

Ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгаши совет тинчлик ва дўстлик сиёсати изчиллик блан ўтказилаётганлигининг яққол намунаси бўлди.

Совет делегацияси томонидан Европадаги хавфсизлик, Германияни бирлаштиришга, мустақил, демократик давлат қилиб бирлаштириш, мустақил ва демократик Австрияни қайтадан тиклаш масалаларининг виждонан ва очиқдан-очиқ тўғри ва равшан қилиб қўйилганлиги бутун жаҳон жамоатчилигининг э'тиборини ўзига тортди.

Гарчи Берлин кенгаши кенгашда вакиллари қатнашган давлатларнинг позицияларини тўғрироқ тушуниб олишга ёрдам берган бўлса ҳам, лекин фикр алмашиш вақтида Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг позициялари ўртасидаги асосий тафовутлар яққолроқ бўлиб кўринди, халқаро кескинликни юмшатиш йўллари равшанроқ бўлиб қолди.

Меҳнаткашларнинг бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ўсиб бораётган ҳаракати таз'йиқи остида Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Англия ҳукуматлари қуролсизланиш проблемасини муваффақиятли ҳал қилишга ёки, лоақал, қурол-яроғларни анча камайтиришга ёрдамлашиши тўғрисида, шунингдек Хитой Халқ Республикасининг иштироки блан (**қарсаклар**) ҳамда Корея масаласини ҳал этишга ва Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклашга бевосита манфаатдор мамлакатларнинг иштироки блан Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Совет Иттифоқи вакилларининг Женева кенгашини чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи блан битимга келдилар.

Совет ҳукумати томонидан ўтказилаётган тинчлик ва дўстлик сиёсати, муттасил ўсиб бораётган тинчлик, демократия ва социализм лагерини мустаҳкамлаш сиёсати бутун прогрессив инсоният томонидан қизғин суратда ма'қулланмоқда, чунки бу сиёсат жаҳондаги барча олдий кишиларнинг самимий истаклари ва орзуларига мос келадиган сиёсатдир.

Узоқни кўраолмайдиган кишиларгина бизнинг ташқи сиёсатимизга Совет Иттифоқининг оғизлик аломати, деб баҳо беришлари мумкин. Улуғ Ватан урушининг тажрибаси бутун дун'ёга шуни кўрсатдики, бизнинг Ватанимиз ўзини ҳимоя қилаолидаги ва ҳарқандай агрессорга қақшатғич зарба бераоладиган енгилмас қудратли қучдир. **(Қарсаклар).**

Эндиликда Европа ва Осиёдаги халқ-демократик давлатлар Совет Иттифоқи блан биргаликда тинчликни мустаҳкамлаш учун қурашмоқдалар. Тинчлик тарафдорларининг лагери тинчликни, социализмни ва демократияни қақлаб қолишга, инсониятни уруш хавфидан қутқазиб қолишга қодир бўлган енгилмас куч бўлиб қолди. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсатини барча меҳнаткашларнинг манфаатларига жавоб берадиган сиёсат деб бундан буён ҳам қат'ият блан ўтказишни давом этдиради. **(Қарсаклар).**

Ишчилар, инженерлар ва техниклар, колхозчилар, олимлар ва интеллигенция Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига ўтказиладиган сайловни Коммунистик партия ва Совет ҳукумати белгилаган ҳамма вазифаларни бажаришга қат'ий бел боғлаган ҳолда кутиб олмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Шу нарсага шубҳа бўлиши мумкин эмаски, бу сайловлар ўз жонажон Коммунистик партияси теварагига зич бўлиб жипслашган халқнинг ма'навий-сиёсий бирлигини кўрсатучи янги ёрқин намойиш бўлади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети депутатлигига менинг кандидатурамни қўйганлигингиз учун сизларга ва Свердлов округининг барча сайловчиларига чуқур ташаккуримни билдираман. **(Гулдурос қарсаклар).**

Мен ўз сайловчиларимнинг ишончини шараф блан оқлашга ва Коммунистик партия вазифаларини амалга ошириш учун кучимни аямай курашишга интиламан. **(Гулдурос қарсаклар).**

ССР Иттифоқи Олий Советига сайлов кунида коммунистлар блан партиясизлар блокининг Ватанимизни яшнатиш йўлида фидокорона курашаоладиган кандидатлари учун якдил бўлиб овоз беришларингизга ишонаман. **(Қарсаклар).**

Яшасин коммунизм қуручи улуғ совет халқи **(Қарсаклар).**

Яшасин барча ғалабаларимизнинг доно йўлбошчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партия! **(Қарсаклар).**

Яшасин Совет ҳукумати! **(Гулдурос қарсаклар овацияга айланади. Ҳамма ўрнидан туради).**

Т. Г. ШЕВЧЕНКО

(Туғилганига 140 йил тўлиши муносабати блан).

Бугун украин халқининг улуғ фарзанди, шоир ва революционер-демократ Тарас Григорьевич Шевченконинг туғилганига 140 йил тўлди.

Шевченко Украинада озодлик учун олиб борилган революцион кураш тарихида, украин адабиёти, маданияти ва XIX аср философик фикри тарихида катта ўринни ишғол қилади. Рус революцион демократлари Белинский, Чернишевский, Добролюбовлар блан мустаҳкам алоқа боғлаган Шевченко чоризм ва крепостникликка қарши курашди, рус ва украин халқларининг дўстлигини ҳимоя қилди.

Эксплуататорларга нисбатан ўтли ва сўнмас нафрат мотивларини украин адабиётига олиб кирган бу улуғ шоир, ўзи етишиб чиққан ҳамда мустаҳкам ва жондили блан боғланган халқининг фикру туйғулари ва интилишларини ифода қилди. Шевченко 1940 йилда бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмайди деб башорат қилган Белинский изидан бориб, одамлар «чорикорлар ва панларсиз» яшайдиган, душманлар бўлмайдиган ва ҳарбир киши оға-инидек бўладиган ва ер юзида одамлар озод яшайдиган замонни орзу қилди. Ўтмишда халқ олиб борган қаҳрамонона курашнинг ёрқин саҳифаларини акс этдириб, она-Ватаннинг озодлиги учун турк-татар ва польша — шляхтаси агрессиясига қарши мардона курашган отабоболаримизнинг ботирлик ва жасурлигини улуғлаган буюк украин шоири ўз асарларида замондоши бўлган украинадаги деҳқонларнинг оғир аҳволини акс этдиради, меҳнаткашлар оммасини помешчик-крепостникларга қарши кураш учун кўзғолишга чақиради.

Шоирнинг асарлари прогрессив рус ва украин танқидчилиги томонидан қувонч блан кутиб олиниши тамоман қонуний бир ҳол эди. «Кобзарь»нинг пайдо бўлиши украин халқининг маданияти тарихида катта бир давр бўлди, деб кўрсатган эди Иван Франко. «Бу кичкина китобча бирданига гўё поэзиянинг янги дун'ёсини очди, худди муздек тиниқ булоқ суви каби қайнаб, шу вақтгача украин адабиётида кўрилмаган равшанлик, соддалик ва ифодасининг поэтик ўтхирлиги блан ярқираб кетди».

Меҳнаткашларнинг орзу-умидлари ва интилишларини ўзига сингдириб, қардош рус халқи илғор фикри ютуқларидан энг яхшиларини қабул қилган Шевченко ўзининг ҳаётини золим ва жаллодларга қарши курашга бағишлаган чинакам инсон ва революционернинг программасини очиқ баён қилиб берди. Рус тилида ёзилган «Тризна» поэмасида у, оташин курашчи-революционер образини яратди.

Шевченко революцион курашчилар — «муқаддас ирода эгалари» ҳақида эўр муҳаббат блан гапирди. Шу блан бир вақтда шоирнинг ғазабли ла'натловчи сўзлари «одамга бўйин-туруқ солган, ғамкулфат, офат уруғини сочган» ваҳший помешчикларга қарши қаратилди.

Шоир «Тун» деган поэмасида крепостниклар томонидан деҳқонларнинг раҳм сиз эксплуатация қилинишини, самодержавие зулмини фош этиб, «Золимжаллодлар дун'ёда қачонгача ҳукмронлик қилдилар?» деб хитоб қилди ва халқни озод қилиш революцион кўзғолон блан боғлиқ деб кўрсатди. Шоирнинг мардона овози эзилган халқни қуролли кўзғолонга чақирди.

Шевченко ҳам рус революцион-демократлари каби халқнинг озодликка чиқиши учун ягона йўл — революцион кураш йўли эканлигини тушинади. Шоир деҳқонлар ўз озодликлари учун курашларида фақат ўз кучларига ишонсинлар деб кўрсатучи Герцен ва Чернишевский мақолалари блан яхши таниш эди. У халқни «болтани қайраб ишга туш...» моққа чақирди.

Шевченко украина буржуа миллатчилиги ва либерализмига қарши муросасиз курашчи эди. Россияда яшовчи барча миллат меҳнаткашларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келган Шевченко барча халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш ғояси учун курашди. Улуғ шоир аёвсиз равишда реакционерларни, разил крепостникларни қандай фош қилган бўлса, четэлга бориб у ердан «озодлик», «биродарлик» ҳақидаги либераллик сафсаталарини олиб келган, амалда эса меҳнаткашларнинг раҳмсиз жаллоди бўлиб қолган космополит либерал корчалонларни ҳам шарманда қилди.

У, ўзининг «Ўликларга ҳам, тирикларга ҳам...» деган машҳур поэмасида эзучи ва эзилучиларнинг синфий бирлиги, ғўё украин халқининг тарихи «озод халқнинг поэмасидир» деган ёлғончи ва миллатчилик концепцияларини фош қилиб ташлади. Шевченко украин ёзучиси Марко Вовчокнинг крепостникликка қарши ёзилган «Халқ ҳикоялари» блан чиқишини чин қалбидан табриклади: Украина миллатчилари бу ёзучи аёлнинг ролини камситмоқчи ва унинг рус тилида ёзабошлаганлигидан кулмоқчи бўлганларида, Шевченко уларга қарата: «Марко Вовчок хоҳлаган тилида ёзаберсин — унинг ёзганларида ҳақиқат бўлса, бас», деди.

Шевченко 1857 йилда ўн йил азоб тортиб, сургундан қутилиб қайтиб келгач, ҳаммадан олдин рус адабиётининг энг катта ютуқлари блан танишишга ҳаракат қилди. У улуғ рус ёзучилари, шу жумладан буюк Гоголь традицияларининг давомчилари қўлга киритган муваффақиятларни кўриб севинди. Шевченко Салтиков-Щедриннинг «Губерна очеркларн»ни ўқиб кундалигига қуйидагиларни ёзиб қўйди: «Салтиковга ҳурматим баланд. О, Гоголь, бизнинг ўлмас Гоголимиз! Ўз атрофингда шундай гениал шогирдларингни кўрганингда сенинг олижаноб қалбинг нақадар қувонар эди!». Шоир катта иштиёқ блан Пушкин, Рилеев, Курочкин асарларини қайта ўқиб чиқади, Герценнинг «Полярная звезда», ва «Колокол» журналларига алоҳида қизиқиш блан қарайди. Чин қалбдан самимий дўстлиги уни гениал рус артисти Щепкин блан боғлайди. Шоир ўзининг Москвадаги кўпгина олим ва ёзучилар блан бўлган учрашувлари ҳақида кундалигига қуйидагиларни ёзади: «Москвада мени ҳаммадан кўпроқ қувонтирган нарса шу бўлдики, ма'рифатли москвалилар шахсан менга илиқ ва дўстона муносабатда бўлдилар ва менинг поэзиямга самимий хайрихоҳлик блан қарадилар».

Шевченко Петербургда «Современник» журнали атрофига тўпланган революцион-демократлар, ёзучилар-Чернишевский, Добролюбов, Некрасовлар блан мустаҳкам дўстлик алоқасини боғлайди. Тарас Григорьевич ўзининг философик, эстетик, ижтимоий-сиёсий қарашларида Чернишевский, Добролюбов ва рус революцион демократларининг бошқа намояндаларининг ҳамфикри, уларнинг содиқ дўсти эди. Шевченкони рус революцион демократлари блан яқинлаштирган нарса-халққа муҳаббат, унинг ижодий кучларига ишонч, помешчиклар зулмидан халос бўлиш учун қурашда халқ блан бирга бўлиш ва актив иштирок этиш, чуқур ватанпарварлик ғоялари эди.

Шевченко асарлари илғор кучларни ижтимоий тенгсизликка қарши курашга, эксплуататор синфларни ва чор Россиясининг полициячилик — бюрократик аппаратини йўқотишга чақирди. Улар халққа она-Ватанга муҳаббат ва халқ душманларига нафрат ҳислари блан тўлиб-тошган.

Шевченко ижоди украин адабиётининг янада ривожланиши учун, унинг энг яхши намояндалари ижоди учун катта та'сир кўрсатди. Марко Вовчок, Панас Мирний, Иван Франко, Иван Тобилевич, Павло Грабовский, Леся Украинка, Михаил Коцюбинский, Василь Стефаник ва бошқа илғор украин ёзучилари янги украин адабиётининг гениал асосчиси Т. Г. Шевченконинг реалистик традицияларини давом этдирдилар, унинг революцион-демократик йўналишини чуқурлаштирдилар.

Рус революционер-демократларининг мероси каби украин халқининг ижтимоий онгининг усишида, бутун россия озодлик ҳаракатида катта роль ўйнаган Шевченконинг мероси совет халқи яратаётган янги социалистик маданиятининг бир қисми бўлиб қолди.

О. ИЛИМНИК,
Филология фанлари кандидати.

Хосият Комилованинг янги илмий ишлари

1950 йилда бўлиб ўтган тилшунослик ҳақидаги илмий мунозара совет фанининг тараққиётида муҳим ўрин тутади. Хусусан, И. В. Сталининнг «Марксизм ва тилшунослик масалалари» номли асари тилшунослик фанининг марксча-ленинча назария асосида тез сур'атлар блан ривожланишига катта йўл очиб берди.

Совет тилшунослари, шу жумладан ўзбекистон тилшунослари, тил ҳақидаги фаннинг тараққиётида кейинги уч йил ичида анчагина илмий ишларни майдонга чиқардилар. Бу давр Хосият Комилованинг илмий ишларида ҳам самарали бир давр ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси Хосият Комилова 1952 йили Республика тилшунослик конференциясида актив қатнашди. Унинг ўзбек орфографиясига бағишланган мақоласи дастлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида, кейинчалик А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг тўпламида босилиб чиқди. Ўртоқ Х. Комилованинг «Ўзбек тилида-ий,-вий нинг орфографияси» сарлавҳали бу мақоласи ўзбек орфографиясининг муҳим масалаларидан бирини ҳал қилишнигина эмас, айни замонда ўзбек тилида араб тилидан кирган сифатлар ва у сифатларнинг ясалишига доир масалаларни ҳам ўз ичига олади.

1953 йили Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг нашриёти Хосият Комлованинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» деган асарини босиб чиқарди. Бу асар ўзбек тилининг илмий грамматикаси — сўз туркумлари тўғрисида, я'ни сон ва олмош ҳақидаги масалаларни ёритиб беради ҳамда республика олий ўқув юртларининг тил ва адабиёт факультетлари учун морфологиядан қўлланма сифатида хизмат қилади.

Кейинги вақтларда ўртоқ Х. Комилова ўзбек тилининг синтаксиси устида илмий ишлар олиб бормоқда. Яқинда у синтаксисдан «Гапда сўзларнинг боғланиши ва сўз бирикмалари» номли илмий ишини нашрга тайёрлаб, босмага топширди. Бу ишда тил ҳақида И. В. Сталин та'лимоти асосида ўзбек тилида сўз бирикмалари ва уларнинг тарихий ривожланиш йўллари, сўзларнинг гапда боғланиши ва сўз бирикмаларининг турлари баён қилинган. Ўзбек тили синтаксисида энг муҳим масалалардан бирига бағишланган бу асар илмий ва практик аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунларда ўртоқ Х. Комилова эмоционал гаплар ҳақида янги илмий асар ёзмоқда. Бу асар тилшуносликка доир масалаларнигина эмас, балки адабиётшуносликка ва театршуносликка доир айрим масалаларни, хусусан фикрнинг эмоционал ифодасига оид бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг корреспондент-а'зоси ўртоқ Хосият Комилова ўзбек тилшунослиги соҳасида самарали илмий иш олиб бормоқда.

Ф. КАМОЛ.

ДЕНГИЗ ВА ДАР'Ё ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ АКТИВИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Москвада 1 мартдан 6 мартгача денгиз ва дар'ё флоти ходимлари активининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлди. Кенгашда океан кемалари капитанлари, Совет мамлакатининг атрофидаги 14 денгиз пароходчилигининг меҳнаткашлари, кема ҳайдовчилар, механиклар, 100 мингдан ортиқ барча дар'ё ҳавзаларининг шкиперлари, Шимолий денгиз йўли музёрар флоти ва транспорт флотининг ходимлари, фан арбоблари, кемасозлар, кемаларни ремонт қилучилар, йўлчилар, сув транспорти блан боғланган кўпгина бошқа касбларнинг вакиллари қатнашдилар.

Актив кенгашининг ишларида СССР Министрлар Советининг Раиси ўрто

Кўкламги дала ишларига тайёргарликни ҳартомонлама кучайтирайлик!

☆

Трактор ремонти тезлатилсин

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорида тракторчилар, трактор бригадаларининг бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари МТСнинг доимий ходими бўлиб ҳисобланади, МТС устахонасида ишлаганда уларга ишбай усулида ҳақ тўланади, деб белгиланган. Аммо Верхне-волинск районидаги Сирдар'ё 3-нчи МТСида шу қоидага амал қилинмаётир. Натижада ремонт ишлари ғоят даражада кечикиб кетмоқда. Бунинг устига ремонтчилар учун зарур шароит яратиб берилмаган, тайин иш жойи (верстак, стелажлар) йўқ, ремонт учун запас қисмлар ва материаллар етишмайди. Ремонтда қатнашаётган тракторчи ва бригада бошлиқларининг меҳнати тўғри уюштирилмаган.

Ремонт ишларининг бутун давомида тракторчиларга бир марта ҳам ишлабчиқариш наряди берилмаган. Натижада уларнинг ремонтдаги меҳнати тўғри ҳисобга олинмай қолган. МТС директори Холбоев, бош бухгалтер Сидоренколар ремонтчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш учун ҳеч қандай чора кўрмаётирлар. МТС бухгалтери ўртоқ Сидоренко наряд йўқлиги сабабли тракторчиларга январь, февраль ойи учун иш ҳақи тўламай юрипти.

МТС директори ўртоқ Холбоев ўз вазифасини яхши бажармаётир. У, ремонт ишларининг сур'ати ва сифати устидан контрольлик қилмайди. Трактор ремонтининг чўзилиб кетиши МТС зонасидаги колхозларда ер ҳайдаш, чигит экишнинг ўз вақтида бажарилишини хавф остида қолдирмоқда.

Верхне-волинск район партия комитетининг бу МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Авралов МТС ишларига жиддий эътибор бермаётир. У, ремонт ишлардаги камчиликларни бартараф қилиш ва трактор паркини кўкламги экиш ишларига тайёрлаш учун коммунист ва комсомолларни сафарбар қилмаётир.

Верхне-волинск район партия комитети МТСдаги аҳволни тезда текшириши, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун тегишли чоралар кўриши лозим.

Р. КРУГЛОВ.

Оржоникидзе районидаги МТСдан Киров номли колхозга янги «Универсал» тракторлари келтирилди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) бригада механиги **Й. Рустамов**, агроном **А. Назаров** ва тракторчи **А. Сарсабоев** ўртоқлар тракторларни қабул қилиб олмоқдалар. **М. Шевелев** фотоси.

КАРТОШКА ВА САБЗАВОТЛАРНИ КВАДРАТ ШАКЛДА УЯЛАБ ЭКИШ УСУЛИ УРГАНИЛМОҚДА

Картошка ва сабзавот ҳосилини оширишда бу экинларни экиш, қатор ораларини ишлашни ва ҳосилини йиғиштириб олишни машиналаштириш катта аҳамиятга эга.

Картошка ва сабзавот етиштиришни машиналаштиришда экиш усули ҳам муҳим масаладир. Бунда экинларнинг қатор ораларини машинада ишлашга имконият берадиган экиш усулига ўтишга тўғри келади. Шунинг учун картошка ва сабзавотни квадрат шаклда уялаб экиш энг прогрессив усул бўлиб қолди.

Калинин район МТСига қарашли колхозлар бу йил 800 гектар ерга картошка, 640 гектар ерга сабзавот ва полиз экинларини квадрат шаклда уялаб экадилар.

Ҳозир МТС ва колхозларда бу муҳим усулни амалга оширш учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди.

Райондаги генерал Раҳимов номли, Будённий номли, Охунбобоев номли, «Октябрь самараси» ва бошқа колхозларда агрономларнинг иштироки блан квадрат шаклда уялаб экиладиган картошка, сабзавот ва полиз экинлари учун ер участкалари ажратиб қўйилди.

МТС ҳузурида картошка, сабзавот ва полиз экинларини янги усулда экишнини ўргатишга бағишланган 50 кишилик семинар ташкил қилинди. Семинарда экучилар, универсалчилар учун группалар очилган.

Семинарда МТС бош инженери Петров, бош агроном Сайдалиев, инженер Сайфутдинов ва тажрибали агроном Алиев ўртоқлар лекция ўқимоқдалар.

Семинар қатнашчилари картошкани квадрат шаклда уялаб экаданг машиналар блан МТСда яхши танишмоқдалар.

А. ҚУЗИЕВ.

Янги суғориш насоси

Янгийўл район, Ватан учун қишлоқ советидаги Молотов номли колхоз кейинги икки йил мобайнида 222 гектар янги ерни ўзлаштирди. Бу йил яна 84 гектар янги ерни ўзлаштиради. Бу ерларнинг ба'зи қисми насос орқали суғоришга мўлжалланган. Шунга кўра колхозда, ҳар секундига 150 литр сув тортадиган кучли насос станцияси қурилаётир.

Ва'далар катта-ю, ишнинг сур'ати паст

Оҳангарон — областимизнинг йирик чорвадор, ғаллакор районларидан бири. Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосил планда белгиланганидан анча кам бўлмоқда. Район раҳбарлари тез-тез бўлиб турадиган йиғилишларда катта-катта қарорлар қабул қилиб, «қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирамиз, чорвачиликни ривожлантириб юборамиз» деб ва'далар берадилар. Аммо бу ва'далар қоғоздагина қолиб кетади. Шу йил январь ойида катта кенгаш бўлди. Унда жуда кўп колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари сўзга чиқиб «ўтган йилги хатоларга йўл қўймаймиз, 1954 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини оширишга эришамиз» деб сўз бердилар. Шундан бери анча вақт ўтди. Броқ ва'далар иш блан мустаҳкамланмаётир. Районда трактор ремонтининг сур'ати жуда сust бормоқда.

Район колхозларида кўкламга тайёргарлик кўриш учун қизғин иш олиб борилмаётир. Ирригация-мелиорация ишлари қониқарсиз бажарилмоқда. Колхозлар территориясидаги катта ариқларни тозалаш иши энди 32 процент бажарилган. Мўл ҳосил етиштиришда зўр аҳамиятга эга бўлган маҳаллий ўғит ташишга кўп колхозлар етарли э'тибор бермаётир. Ҳозиргача ҳаммаси бўлиб район бўйича 3 минг 300 тонна маҳаллий ўғит тайёрланган, холос. Давлат томонидан берилган минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб олинмаётганлиги учун бор ўғит «Сельхозснаб» омборларига сиғмай, очиқ ҳавода нобуд бўлаётир.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари МТСларда тракторчи кадрларнинг етарли бўлишига аҳамият бермадилар. Кўклам дала ишларининг қизғин бошланишига вақт яқинлашиб қолаётганига қарамасдан, 2-нчи МТСда 34 тракторчи, 7 комбайнчи етишмайди. Бу — тракторларнинг икки сменада ишлатилишига катта тўсқин бўлади.

Колхозларда оммавий-сиёсий ишлар яхши уюштирилмаган. Колхоз бошланғич партия ташкилотлари колхозчилар ўртасида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорини кенг пропаганда қилмаётирлар. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш туғрисидаги қарори ҳали кўпгина колхозларда мухокама қилинмаган.

Райондаги Жданов номли колхоз бирнеча йилдан бери қишлоқ хўжалик экинларидан ҳосил олиш планини бажармай келади. Лекин район раҳбарлари бу колхозни қолоқликдан чиқариш тўғрисида тегишли чора кўрмаётирлар, Жданов номли колхозда 1954 йил кўкламга кўрилаётган тайёргарлик қониқарсиз аҳволда. Ҳалигача ғалла уруғи тайёрлаш бошланмаган, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш графиги ҳам бажарилмаётир. Экиш вақтида ишлатиладиган от ва уловлар боқувга қўйилмаган. Колхоз раҳбарлари кўкламги экин кампаниясига колхозчиларни сафарбар этиш тўғрисида жиддий тадбирлар кўрмаганлар. Колхоз раиси Кубаев, партия ташкилотининг секретари Усмонов ўртоқлар: «ҳали баҳор бўлишига анча бор, вақти келганда ишни дўндирамиз» деб, хотиржам бўлиб юриптилар.

Оҳангарон районининг кўпгина колхозларида сабзавотчиликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Лекин ана шу имкониятлардан тўла фойдаланилмаганлиги натижасида сабзавотчилик ривожланмаётир, Сталин номли колхоз (раиси Аҳмедов, партия ташкилоти секретари Иўлдошев) бу йил кўпгина ерга сабзавот экинлари экиши керак. Шунга қарамай, уруғлик тайёрлаш, ерларни экишга ҳозирлаш ишлари бошланмаган.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхозларга партиямизнинг сентябрь Пленуми қарорида кўрсатилганидек раҳбарлик қилишлари, колхозларнинг ишлари блан жиддий шуғулланишлари, механизатор кадрларни танлашга алоҳида аҳамият беришлари керак. Бажарилмайдиган қуруқ ва'далар ўрнига астойдил ишлайдиган вақт келди. Агар кўкламга ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрилса Оҳангарон области-мизнинг илғор районлари қаторига ўтиб олади. Бунинг учун район колхозларида барча моддий ва техника имкониятлари бор.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Агрономлар қишлоқ хўжалик фани ютуқларини пропаганда қилмоқдалар

ЯНГИЙЎЛ (ЎзТАГ). Янгийўл районининг агрономлари қишлоқ хўжалик фани ютуқларини ва илғор иш тажрибаларини пахтакорлар ўртасида актив пропаганда қилмоқдалар. Улар колхозларда докладлар ўтказмоқдалар ва лекциялар ўқимоқдалар, колхоз қишлоқ хўжалик маданияти уйларида илғор агротехникани акс этдирувчи виставкалар ташкил қилишга ёрдам бермоқдалар.

Ленин номли колхозда Янгийўл районидаги 1-нчи МТСнинг бош агрономи ўртоқ А. Журба қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириш учун оҳакдан минерал ўғит сифатида фойдаланиш ҳақида лекция ўқиди. Агрономнинг лекцияси пахтакорларни ғоят қизиқтирди. Лекциядан кейин колхозчилар колхоз правлениесига ўғитнинг янги хилидан шу йилдаёқ кенг фойдаланишни тавсия қилдилар.

Хрушчев номли колхозда мазмунли лекция бўлиб ўтди. Бу ерда Янгийўл районидаги 1-нчи МТСнинг агрономи ўртоқ М. Ушмурин СоюзНИХИ далаларида олиб борилган иш тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Ўтган йили институтнинг участкаларидан бирида ғўзалар пахта майдонининг узунасига ва энига культивация қилинган эди. Шунинг натижасида бир гектар ерни ишлашга сарф бўладиган меҳнат 150—180 одам-иш куни камайган.

Жамоат чорвачилигига э'тибор кучайтирилсин

Областимизнинг экономикасида чорвачилик катта ўрин тутади. Областдаги илғор колхозлар қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи—жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан белгиланган планларни тўла ва ошириб бажариб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Қорасув район, Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда чорвачилик иши яхши йўлга қўйилган. Колхоз правлениеси қўлда боқиладиган соғин сигирлар учун янги типда 2 та ёздик, қишлик молхона қурди. Сигирларни соғиш, ем-хашак қирқиш ишлари машиналаштирилди. Колхоз правлениеси чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрди. Қишлов учун етарли ем-хашак жамғариб, моллар қишлайдиган жойларга ташиб олинди. Калинин районидаги Ворошилов номли, Собир Раҳимов номли ва бошқа илғор колхозлар ҳам чорва қишловига пухта тайёрлик кўрдилар.

Областдаги ҳамма колхозларда ҳам чорвачилик иши ана шундай яхши йўлга қўйилган ва қишловга пухта тайёргарлик кўрилган, деб бўлмайди. Областнинг ўтган йили чорвачилик планининг тўла бажармагани устига кўпчилик районлар ва колхозлар чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрмадилар. Бирқанча колхозларда бепарволик натижасида ем-хашак ва иссиқ жойлар тайёрланмади.

Кейинги кунларда қалин қор ёғиб, ҳаво совуди. Бу ҳодиса қишга тайёргарлик кўрмаган ба'зи колхозларда чорва моллари ниинг оғир аҳволда қолишига сабаб бўлди. Айниқса Тошкент, Калинин районларнинг Келес ва Қизилқум массивида чорваси бўлган колхозларда ем-хашак танқислиги юз берди. Калинин районидаги Молотов номли колхоз (раиси ўртоқ А. Сайдалиев) фермасидаги ходимлар мавжуд озуқалардан тўғри фойдаланмадилар. Совуқ тушганидан кейин фермага бирнеча тонна кунжара юборилди. Бу блан молларни яхши боқиб, нобуд қилмаслик мумкин эди. Броқ ферма ходимларининг бепарволиги натижасида кейинги 12 кунда анча қўй-эчки нобуд бўлди. Каганович номли, «Победа Октября» колхозларининг фермаларида арпа, кунжара бўлатуриб, улардан фойдаланилмаётир.

Оҳангарон районидаги Куйбишев номли, Андреев номли, Юсупов номли, Жданов номли, Калинин номли ва бошқа колхозларда запас ем-хашак бўлмаслиги сабабли бирнеча қўй-эчки нобуд бўлган.

Қуйичирчиқ район партия, совет ташкилотлари, ер органлари ва айрим колхозларнинг раҳбарлари муҳим давлат ишига мас'улиятсизлик блан қарадилар. Бу райондаги колхозларнинг Бекобод области чегарасидаги чорва моллари учун ўз вақтида етарли миқдорда хашак юборилмади. Фермаларда хашак камчил бўлганидан молларнинг кўпи ориқлаб қолди. Кўп колхозларда ем-хашак тамом бўлган.

Ховос районида чорва молларини парвариш қилишга э'тиборсизлик ҳамон давом этмоқда. Бундай аҳволни Бўка районидаги Вильямс номли, Ўртачирчиқ районидаги Сталин номли колхозларда ҳам учратиш мумкин. Оржоникидзе районидаги юқори ҳосилли Маленков номли колхоз раҳбарлари биртомонлама иш кўриб, жамоат чорвачилигини унутиб қўйдилар. Колхозда ем-хашак етарли жамғарилмаган, совлиқлар қўчқорлар блан бир жойда сақланади. Иссиқ жойлар етишмайди. Қўйлар эрта қўзилаб, ёш қўзилар нобуд бўлмоқда. Лекин колхоз раиси ўртоқ Эгамбердиев юз берган камчиликларни тугатиш учун зарур чора-ларни кўрмаётир.

Партия ва ҳукуматимиз чорва молларини ҳарқандай шароитда ҳам нобуд қилмай сақлаб қолиш учун зарур ёрдамларни бермоқдалар. Район партия, совет ташкилотлари, ер органларининг раҳбарлари ва колхозларнинг раислари берилаётган ёрдамдан тўла ва тўғри фойдаланиб, содир бўлган қийинчиликларни енгиб, битта ҳам чорва молини нобуд қилмасликка эришишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Франция компартияси Марказий Комитетининг пленумида Жак Дюкло доклади

ПАРИЖ, 6 март. (ТАСС). Франция коммунистик партияси Марказий Комитети пленумининг кечаги мажлисида Жак Дюкло доклад қилди.

Жак Дюкло тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашидан кейин француз ишчилар синфи ва Франциянинг бутун халқи орасида бутун дунёда тинчлик ўрнатилсин деган талаблар кучайиб кетганлигини айтиб ўтди.

Дюкло Бидонинг ва бошқа ғарбий давлатлар ташқи ишлар министрларининг Берлин кенгашидаги позициясини танқид қилди. У уқтириб айтдики, уч ғарбий министр Германия проблемасини тинч йўл блан ҳал этишга қаратилган ҳамма таклифларга қарши бўлиб чиқдилар. Улар совет делегацияси томонидан қилинган ҳамма таклифларни рад этдилар, ҳолбуки бу таклифлар Германия милитаризмининг қайтадан тикланишига йўл қўймасликка интилиб киритилган таклифлар эди. Жорж Бидо ўзининг шундай йўл тутиши блан Даллеснинг ва канцлер Аденауэрнинг мақтовига сазовор бўлди.

Дюкло Берлин кенгашида эришилган битимларга тўхталиб, бундай деди: агар ғарбий делегациялар шу проблемаларни ҳал этишни ҳақиқатан ҳам истаганларида эди, янада кўпроқ натижаларга эришиш мумкин бўлур эди. Шунга қарамай Берлин кенгаши музокаралар олиб бориш сиёсатининг зўравонлик сиёсати устидан қозонган ғалабасидир.

Дюкло Европада хавфсизликни та'минлаш тўғрисида совет делегацияси томонидан таклиф этилган планга тўхталиб, француз халқининг кўпчилиги шу планда ифодаланган коллектив хавфсизлик идеясини табриклямоқда ва қўллаб-қувватламоқда, деб уқтириб ўтди.

Бизнинг қит'амизга,—деди Дюкло,—тинчликнинг чинакам гарантиялари таклиф қилинмоқда. Совет Иттифоқи томонидан таклиф қилинган «Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги умумевропа шартномаси» Европа давлатларини бир-биридан ажратишга олиб бормасдан, балки улар ўртасида нормал муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатишга олиб боради, герман милитаризмининг қайтадан тикланишига йўл қўймайди ҳамда бирлашган ва тинчликсевар Германияни вужудга келтиришни тақозо қилади.

Бизнинг халқимиз жанжалли масалаларни битимга келиш йўли блан ҳал этиш принципининг ҳамкорликни бузишга зўр бериб ҳаракат қилаётган ҳукмронларнинг уринишлари устидан устун бўлиб чиқиши учун бутун бор кучи блан курашади.

Сўнгра, Дюкло «Европа мудофаа бирлашмаси» тузилишига қарши, тинчлик сиёсатининг тантанаси учун ва Франциянинг миллий мустақиллигини та'минлаш учун олиб борилаётган курашда француз халқи эришган муваффақиятларига муфассал тўхталиб ўтди. У, бу курашда француз халқининг турли табақалари тортилганлигини та'кидлаб гапирди.

Дюкло француз ҳукуматининг сулҳ музокаралари тўғрисида Хо Ши Мин томонидан қилинган таклифни жавобсиз қолдирганлигини айтиб ўтди ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг Ҳиндо-Хитойда уруш ўчоғини сақлаб қолишга интилаётганлигини та'кидлади. Дюкло дарҳол яраш битими тузиш мақсадида Хо Ши Мин ҳукумати блан сулҳ музокаралари бошлаш учун курашни кучайтиришга чақирди. У, француз ҳукуматининг ўз сиёсатида америка империалистларига тўла равишда қарам бўлиб қолганлигини, уларнинг сиёсати Ҳинди-Хитойда урушни давом этдиришга таалуқли масалада ҳам, герман милитаризмини қайтадан тиклаш масаласида ҳам француз халқининг манфаатларига бутунлай қарама-қарши эканлигини кўрсатиб берди.

Мамлакат ичида ҳарбийлаштириш сиёсатининг давом этдирилиши,—деди Дюкло,—Франциянинг молиясига ва экономикасига ҳалокатли та'сир ўтказмоқда. Дюкло шу нарсани айтиб ўтдики, Франция экономикаси Шуман планининг хатарли оқибатларидан зарар кўрмоқда, бу план француз саноатига бевосита хавф солмоқда, шахталар, конлар ва металлургия корхоналарининг ёпилиб қолишига сабаб бўлмоқда, иссиқликнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Авиасозлик саноати, кемасозлик саноати ва француз саноатининг бошқа муҳим тармоқлари, шунингдек Франциянинг техникаси ва фани Америка ҳамда Ғарбий Германия конкуренциясига қурбон қилинди.

Дюкло француз меҳнаткашларининг қаттиқ қўлланиб бораётганлигини, бу йил қишда жуда кўп қулфатларга учраганликларини айтиб ўтди.

Шу муносабат блан, — деб давом қилди Дюкло, — мутлақо табиийдирки, ишчилар синфи ишқаҳини умумий равишда оширишга ҳаракат қилмоқда. Ҳукумат коллектив шартномалар бўйича олий комиссиянинг таклифларини назар-писанд қилмай, бу масалани ҳал қилишдан бўйин товламоқда. Броқ, кейинги вақтдаги забастовкалар ишчилар синфининг ўз талабларини қондиришга қат'ий бел боғлаганлигини яққол кўрсатди, ҳукумат буни э'тиборга олмаслиги мумкин эмас.

Сўнгра, Дюкло шу нарсани та'кидлаб ўтдики, умуммеҳнат конфедерациясининг меҳнаткашлар ҳаракат бирлигини кенгайтириш йўлида сабр блан ва тинмай кўрсатаётган ғайрати яхши натижаларга олиб келмоқда.

Сўнгра, Дюкло француз деҳқонларининг, Франциядаги шимолий африкали ишчиларнинг оғир аҳволини гапириб берди, шунингдек хотин-қизлар ёшлар ва интеллигенциянинг нон учун, Франциянинг миллий мустақиллиги ва тинчлик учун олиб бораётган курашига тўхталиб ўтди.

Дюклонинг докладида меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга катта э'тибор берилди. Дюкло кейинги ойларда социалистик ва коммунист меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлигини кенгайтиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилганлигини айтиб ўтди.

Дюкло ҳаракат бирлигининг жуда кўп намуналарига тўхталиб, коммунист ва социалист меҳнаткашлар ўртасида янги ҳамжиҳатлик ўрнатилаётганлигини, бу ҳамжиҳатликнинг жуда катта имкониятлари борлигини айтиб ўтди. Шу сабабли, ишчилар синфининг ҳаракат бирлигини вужудга келтириш ҳукуматнинг ҳозирги сиёсатини ўзгартириш мақсадида барча французларнинг бирлашувига имкон бериши учун бутун кучни сарф қилиш зарур.

Бизнинг ўзимизнинг бирлик фронт сиёсатимизни, деб та'кидлади Дюкло,—дадил бўлиб, фурсатни қўлдан бермай ўтказишимиз лозим, чунки мамлакат олдида жиддий проблемалар пайдо бўлмоқда. Бонн ва Париж шартномаларини муваффақиятсизликка учратиш зарур. Ҳинди-Хитойда тинчлик ўрнатишга ҳамда ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммасининг талаблари қондирилишига эришиш керак.

Ҳозирги сиёсий вазият муносабати блан олдинги турган вазифаларни муваффақиятли бажармоқ, учун,—деди Дюкло, партиямиз а'золарининг назарий савиясини, меҳнаткашларнинг сиёсий жанговарлик қобилиятларини, ташкилий уюшқоқликларини бутун чоралар блан оширишимиз зарур, бу эса курашимиз ва ғалабаларимизнинг қуролидир.

Сўнгра, Дюкло Коммунистик партиянинг ташкилотчилик ишида бўлган камчиликларни кўрсатиб ўтди. У, партиянинг активларини корхоналардаги партия ячейкаларини мустаҳкамлашга ва партия а'золарининг активлигини кучайтиришга, коммунистларнинг меҳнаткашлар оммаси блан алоқаларини кенгайтиришга ва кучайтиришга чақирди. Коммунистик партиянинг кучи ва жанговарлик қобилияти, — деб та'кидлади Дюкло, — коллектив раҳбарликнинг ленинча ташкилотчилик принципларини тўғри амалга оширишга, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтиришга боғлиқдир.

Дюкло ўз докладининг охирида шу нарсани яна уқтириб ўтдики, «Европа мудофаа бирлашмаси»га қарши курашиш ҳозирги пайтда коммунистик партиянинг энг муҳим вазифасидир. Ҳарбиримиз шу курашнинг аҳамиятини аниқ тушуниб олишимиз ва бу курашда ютиб чиқишимиз лозим. Мен шу нарсани истайманки, Марказий комитет қўйилган проблемаларни кенг муҳокама қилсин. Шундай муҳокама натижасида, «Европа мудофаа бирлашмаси» тарафдорларини маглубиятга учратиш мақсадида ва Франциянинг манфаатларига мос келадиган сиёсат ўтказилишига—миллий мустақиллик ва тинчлик сиёсати ўтказилишига эришмоқ мақсадида, партиямизнинг оммага бош бўлиб олиб бораётган курашини кучайтиришга керакли тадбирлар тўғрисидаги аниқ ва муайян нуқтаи назаримиз белгиланади ва ифодаланади.

ГЕРМАНИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ 12-НЧИ ПЛЕНУМИ

БЕРЛИН, 7 март. (ТАСС). АДН агентлиги Германия Коммунистик партияси (ГКП) правлениесининг ахборотини билдирди.

Ахборотда бундай деб билдирилади: 1954 йил 4 мартда Дюссельдорфда Германия Коммунистик партияси правлениесининг 12-нчи пленуми бўлди.

Пленум тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг Берлинда бўлиб ўтган кенгашининг якунларини муҳокама қилди ва шу муносабат блан Германия Коммунистик партиясининг, ишчилар синфининг ва Ғарбий Германиядаги тинчликсевар демократик кучларнинг вазифаларини белгиладi.

«Ташқи ишлар министрлар кенгашининг натижалари ва немис халқининг Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун курраши» ҳақида ГКП правлениеси секретариатининг а'зоси Фриц Рише доклад қилди.

Пленум резолюция қабул қилди. Резолюцияда Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун курашдаги энг яқин вазифалар баён қилинган.

1954 йилда СССР блан Албания Халқ Республикаси ўртасида товар етказиб бериш тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши

6 мартда Москвада 1954 йилда ССР Иттифоқи ва Албания Халқ Республикаси ўртасида товар етказиб бериш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Совет Иттифоқи бу Битимга мувофиқ, шу вақттача Албанияга юбориб турган товарларни етказиб беради.

Бундан ташқари , 1954 йилда илгари тузилган битимларга мувофиқ, Совет Иттифоқи саноат корхоналари учун керакли комплект машина-асбобларни Албанияга қарзга беради, шунингдек ана шу корхоналарни қуриш ҳамда геология-қидирув ишларини бажаришда Албанияга техника ёрдами беради.

Албания аввалги йиллардагидек Совет Иттифоқига нефть, битум, мис, фанер, тамаки ва бошқа товарларни етказиб беради.

Битимни Совет томонидан — Ташқи савдо министрининг ўринбосари С. А. Борисов ва Албания томонидан — Савдо ва коммуникация министри Г. Нуши имзолади.

Тўрт министрнинг Берлин кенгашидан кейин

ВАРШАВА, 7 март, (ТАСС). Польша матбуоти СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотовнинг «Берлин кенгашининг якунлари тўғрисида»ги баёнотини шарҳлаб ёзмоқда. Бугун «Трибуна люду» газетаси В. М. Молотовнинг баёнотига бағишлаб «Халқаро муносабатлардаги кескинликни янада юмшатиш учун» сарлавҳали бошмақола босиб чиқарди. Газета бундай деб ёзади:

— Берлин кенгаши кўрсатдики, Европанинг хавфсизлигини та'минлаш йўли ва герман милитаризмининг тикланишига тўсқинлик қилиш йўли бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий груҳлар тузишдан иборат бўлмасдан, балки Европадаги барча давлатларнинг бирлашган лагерини барпо этишдан иборатдир. Молотовнинг коллектив хавфсизлик тўғрисида Умумевропа шартномаси тузиш ҳақидаги конкрет таклифи Европа халқлари ўртасида кенг ма'қуллаб кутиб олинди ва бу таклифни бизнинг халқимиз якдиллик блан қўллаб-қувватламоқда. Бу нарса мингларча йиғилишларда, ишчилар, деҳқонлар, интеллигенция вакилларининг айтган сўзларида ўзининг конкрет ифодасини топди».

«Реакцион доираларнинг «пайғамбарлик» қилишларига ва зўр бериб уринишларига қарамай, — деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, — Берлин кенгаши муваффақиятсизликка учрамади. Кенгаш музокараларнинг мумкинлигини ва мақсадга мувоффиқлигини исботлади, Хитой Халқ Республикаси блан кенгаш ўтказишга йўл очиб берди. Ғарбий давлатларнинг министрлари аввало зўр бериб қаршилик кўрсатган бўлсалар ҳам, кейинчалик Жанвада кенгаш чақирилишига рози бўлдилар. Жанва кенгаши Кореяда тинчликни мустаҳкамлаш ва Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш масалаларини муҳокама қилади».

Қашшоқлик орқасида ўз-ўзини ўлдириш

ПАРИЖ, 6 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришига қараганда, кейинги 8 кун ичида Ғарбий Германияда 20 дан ортиқ киши ўзини ўлдирган. Кеча Небрингенда (Вюртемберг) бир деҳқон, унинг хотини ва икки боласи заҳар ичган. Суд терговчиларининг фикрича, ана шу ҳафта ичидаги кўп ҳодисалар каби ана шу коллектив суратда ўз-ўзини ўлдиришга ҳам қашшоқлиқ сабаб бўлган.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда бугун кундузи Хоразм области ва Қорақалпоғистонда ҳавонинг бироз булут бўлиши ва ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади. Температура 0° даража атрофида бўлади. Бошқа областларда ҳаво булут бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Республикамизнинг шимолий районларида температура 3 — 8, жанубий районларда эса 12 — 16 даража иссиқ бўлади. Тошкентда бироз ҳаво булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 2 — 4° даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/III да **Юрак сирлари** 10/III да **Гамлет.**

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/III да **Саён тоғлари этагида.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/III да **Тоҳир ва Зуҳра.** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Маҳмуджон Ғафуров, Шаҳодатхон Раҳимова** қатнашади.

НАВОИ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», ТИКУЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ кинотеатрларида — янги бадиий фильм **«Калиновая рощча».**

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — **Сепли тўй.**

«РОДИНА» — кундуз **Поезд Шарққа йўл олди,** кечқурун **«Калиновая рощча».**

«ИСКРА» КИНОТЕАТРИДА
11 мартдан бошлаб
СЕПЛИ ТЎЙ
номли кинофильм кўрсатилади.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар ва телефон орқали заказлар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
10 мартда
янги программада
ЦИРК ТАМОШАЛАРИ
Хотин-қизлар— цирк сан'ати усталари
Парад-пролог
«Совет хотин-қизлари»
РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар опа-сингил **Кохларнинг**
АТТРАКЦИОНИ.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА
1-нчи қўл
ЎЗБЕКЧА МАШИНИСТКАЛАР
КЕРАК
«Правда Востока» кўчаси, 34-нчи уй, 4-нчи қаватда 87-нчи хонага келиб учрашилсин. Телефон — 34-048.

Ўзбек тилида чиқадиган
„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
ва рус тилида чиқадиган
„ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА“
ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИГА
апрель ойи учун ва 1954 йил охиригача
обуна қабул қилиш давом этмоқда
АЙРИМ КИШИЛАРДАН ОБУНА:
муассаса ва ташкилотлардаги обуна пунктларида, шунингдек «Союзпечать» шаҳар бўлимида (Карл Маркс кўчаси, 25-нчи уй), Бош почтамтда (Крилов кўчаси, 4-нчи уй) ва Тошкент шаҳрининг почта бўлимларида қабул қилинади.
Тошкент областининг ҳамма шаҳар ва районларида обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, шунингдек корхоналар, қурилишлар, қўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.
«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 01664 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1285.